



## ЎЗБЕКИСТОН ВА БЕЛАРУСЬ ЕТАКЧИЛАРИ “АМИРСОЙ” ТОҒ-ЧАНҒИ МАЖМУАСИДА УЧРАШУВ ЎТКАЗДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турган Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко “Амирсой” тоғ дам олиш масканига ташриф буюрдилар.

Тошкентда бўлиб ўтган музокараларда давлат раҳбарлари маданий-гуманитар йўналишда, шу жумладан, спорт ва туризм соҳаларида фаол алмашинувлари давом эттиришга келишиб олдилар. Олий даражадаги учрашувлар якунида бошқа ҳужжатлар қаторида 2024-2025 йилларда Спорт соҳасида ҳамкорлик бўйича дастур ва Туризм соҳасида ҳамкорлик бўйича чора-тадбирлар режаси имзоланган эди.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда спорт ва туризм инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган йирик лойиҳалар амалга оширилди. Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги “Амирсой” тоғ дам олиш маскани шулар жумласидан. Охириги уч йилда бу ерга 4 миллионга яқин сайёҳ келган.

Жаҳон даражасидаги ҳар мавсумга мос ушбу мажмуага ташриф давомида давлат

раҳбарлари спортчилар ва сайёҳлар учун яратилган шароитлар билан танишдилар, икки мамлакат ўртасидаги туризм алмашинувини кенгайтириш юзасидан фикр алмашдилар.

Етакчилар самимий мулоқотни тоғ-чанғи трассасида давом эттириб, биргаликда чанғи учдилар.

ЎЗА

### Биз ва дунё

## ИККИ МАМЛАКАТ ЎЗARO МАНФААТЛИ ШЕРИКЛИКНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШГА ИНТИЛМОҚДА

ХОРИЖИЙ ТАҲЛИЛЧИЛАР ТОШКЕНТДА БЎЛИБ ЎТГАН ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ЎЗБЕКИСТОН–БЕЛАРУСЬ САММИТИ ЯКУНЛАРИ ҲАҚИДА

Беларусь Президенти Александр Лукашенконинг 7-9 февраль кунлари Ўзбекистонга расмий ташрифи икки давлатнинг кўп қиррали ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустақамлашга интилишидан далолат берди, дея таъкидламоқда халқаро экспертлар.

Жан-Антуан ДЮПРА, Европада прогнозлаш ва хавфсизлик институти эксперти, Ўзбекистон бўйича мутахассис (Франция): — Шавкат Мирзиёев 2016 йилда Ўзбекистон Президенти этиб сайланганидан буён очик ташқи сиёсат олиб бораётти. Бу эса мамлакатга Марказий Осиё ва дунёнинг бошқа минтақаларида

тобора муҳим барқарорлаштирувчи геосиёсий роль ўйнаш имконини бермоқда. Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Беларусь Президенти Александр Лукашенконинг Тошкентга расмий ташрифи Ўзбекистоннинг прагматик ташқи сиёсат олиб бораётганини намоён этади.

Давоми 2-бетда

### Мен ёнмасам, сен ёнмасанг...

## МАКТАБ — БОШ МАҚСАД, БИРИНЧИ МАСАЛА ВА НАЖОТ ҚАЛЪАСИДИР

Нихоятда мураккаб, таҳликали, таҳдидли ва тажовузкор дунёда яшаймиз. Жаҳонда юз бераётган воқеа-ҳодисалар, беқарор сиёсат, гегемонлик васвасаси, ўзаро зиддиятлар, миллатчилик каби бўҳронлар биздан илм-фанга, таълим-тарбияга, маънавият масалаларига ҳар қачонгидан-да кўпроқ эътибор қаратишни талаб этади. Чунки тараққиёт майдонида қолиш етуқ, малакали, ватанпарвар авлодга боғлиқ.



мамлакатга айлантиришнинг дастлабки пойдевори таълимда деб билганлари бежиз эмас. Бу ҳақда сўз кетар экан, бехитёр Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир”, деган қуқур маъноли фикри тасдиқловчи бўлиши шубҳасиз. Буюк маърифатпарвар бобомизнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим бўлган бўлса, ҳозир ҳам шун-

чалиқ, балки ундан ҳам кўпроқ долзарб аҳамиятга эга. Чунки бугун реал воқеликка айланган янги Ўзбекистонда қўйилган ўзини-ўзини Ренессанс пойдеворининг нақадар мустақам бўлиши айнан замонавий илм-фан асосларидан боқабар, камидан икки-уч тилда мулоқот қила оладиган, ўзи танлаган касб-ҳунар сирларини пухта эгаллаган ёшларимизга боғлиқ.

Давоми 3-бетда

### Уйғоқ фикр

## ЮРТНИНГ ҲАР БИТТА ТОШИ ДАҲЛСИЗ

Бир пайтлар Тошкентнинг Бешёғочиди халқ тилида “шпаналар” деб аталадиган безорилар тўдаси бўларди. Булар кун бўйи “Комсомол кўли” бўйидаги соя-салкин дарахлар тагида ўтган-кетган ёш-яланга дўқ-пўписа қилиб кун ўтказадиган, бирон жойда ёлчичиб ишламайдиган, на одоб-ахлоқни, на инсонийликни биладиган, ўзидан қучлига дуч келса, писиб қоладиган бекорчилар бўлиб, мустақилликдан кейин, қонун устуворлиги ва адолат тиклангач, ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетди.



Исажон СУЛҲОН, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Ёки машҳур адиб Ғафур Ғулмоннинг “Шум бола” асаридидаги “қахрамонлар”ни эслайлик:

“Тожиҳон жинни битта кетмон даста билан ўтган-кетгани кувлаб уриб-сўқиб, “Ҳамманг бир томонга юр, тарқалиб кетма. Николай пошшо замонида тартиб керак...” дегар эди. Бунга Олим жинни “Аҳмоқсан, Тожи, аҳмоқсан. Ер ахир таразига ўхшаган нарса бўлади, ҳамма бир томонга юрса, у бир томонга осиб, ҳаммамиз Курдум дарёга гарқ бўлиб кетамиз-ку” деди...”

Бугун шиддат билан ривожланиб бораётган, эзгу фикрли фазилатли кишилар тараққиётнинг энг хайрли йўналишларини излаётган ва ғарзлилар мустақил давлатларга турли йўллар билан зўғум қилишга уринаётган шу кўп кутбди дунёда ўшандай кишиларнинг қуюшқонга сиймайди диган таҳдидлари ўша “қахрамонлар”ни эслатади.

Устоз адибнинг асаридидаги бу саҳна бир оз кулги йўсинида ёзилган бўлса, неоклонизмга васвасаларини тилга келтираётган айрим кишилар турли идораларда етарли иш тажрибасига, маълум аудиторияга эга “ижтимоий шахслар” эканига ҳайрон қолмай илож йўқ.

“Айримлар”, деб уларни умуминсониятдан айиришимизда жон бор, албатта. Жаҳон мамлакатларининг кишилари ёғун ниятлари, мақсадлари билан бир-бирига ўхшайди. Барча фаровонликда, тўқинликда ва омонликда, тинч-тотув яшашни орзу қилади. Афсус, бадбин ўй-хаёлларига берилиб, Ғафур Ғулмон қахрамонларига ўхшаб қолган одамлар ҳам бу турфа дунёда етарлича топилар экан.

Бундай чиркин мақсадларни қўлаб-қувватлаш йўлида ижтимоий тармоқларда қирғин келтирувчи қурол-яроғларни қўз-қўзлаш, собиқ империя давридаги ҳаётни тарғиб қилишга йўналтирилган турли-туман сайтлар, порталлар пайдо бўлди. Бир ёқда қурол-яроғ васвасаси, бир ёқда ўтиб кетган мустамлака даврини кўмсаш кампанияси...

Бироқ ундай касланинг ниятлари амалга ошмаслиги тайин, чунки паст-

баланд минбарлардан айтилган жоҳилона таҳдидлар кишиларимиз орасида энг кўп муҳокама қилинган мавзуга айланди. Олиму муҳандис, деҳқон чорвадор, шифокор тадбиркор — барча юрак тўридаги сўзларини айтди.

— Уч ярим минг йилдан зиёд шонли тарихга эга ўзбек халқи замонларнинг турли-туман нафқалишлари орасидан соғомон ўтиб келиб, бутун ҳам ўз давлатига эга, юксалишга юз тутган. Тарих саҳнасида шунча йил қолишининг ўзи бўладими? Не-не зўғум, босқин ва қирғинларни кўрди, шукрки, зўғум қилганларнинг бирортаси юрт тупроқларида қолмади, ҳаммаси тарих зулматига йўқолиб кетди. Бу юртга кўз олайтирганлар бир кунмас-бир кун албатта, хор-зор бўлиши тайин, — дейди адабиётчи дўстларимиздан бири.

Давлатчилигимиз ҳақида сўз борса, шу қутлуг тупроқлардан шимол томон йўлга чиққан, ўша худудларда қудратли давлат ва мунтазам армия тузган улус фарзанди Ботир Тангриқут ёдга келади. Уни бугунги фан Мете ёки Моде деб атайди. Ўша пайтларда қудратли саналган дунху элининг ҳукмдори Ботир Тангриқутта элчи юбориб, энг яхши отини, чўрисини ва мамлакатнинг бир четидидаги унумсиз ерларни ўзига беришини сўрайди. Шунда Ботир Тангриқут дейди: “Истаганларингни берсам бўлади. Бироқ юртим ерининг бир парчасини ҳам сенга бермайман”. Элчи ҳайрон бўлиб, бунинг сабабини сўраганида, “Чунки у юртимнинг, халқимнинг ери, давлатимнинг асосидир”, деб жавоб беради. Ўзлик руҳининг нақадар қудратлилигига ёрқин мисол бу.

Ўзбекистонда кейинги йилларда рўёбга чиққан жуда кенг қўламли жараёнлар натижасида мамлакатимиз тараққиётнинг янги босқичига қўтарилгани жаҳоннинг илгор фикрли мутахассислари томонидан эътироф этилди. Қисқа давр мобайнида ҳам давлатчилик, ҳам ижтимоий жамият туб янгиланишларга юз бурди. Империячилик даврида содир қилинган ва мустақилликнинг илк йилларида ҳам оқавалари сизиб турган жуда кўп ноқўя ҳолатларга, қанчадан-қанча адолатсизликларга барҳам берилди, кишилар манфаати илгор мақсад қилиб қўйилди.

Юртимиз жуда катта юксалишга ҳо-зирлик кўрмоқда. Чунки дунёнинг асосий

фикр, молия ва ишлаб чиқариш маркалари Шарқ томон силжимоқда. Бу жараён тобора тезлашмоқда. Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида кўзда тутилган қўламли мақсадлардан бири ҳам шу: мамлакат Шарқ ва Ғарбни боғловчи асосий фикр, иқтисод, транспорт оқимларини ўтказувчи муҳим “хаб”га айланмоқда, жуда катта қўламли “сакраш”га тайёргарлик кўрмоқда. Жамиятимиз, қонунларимиз шу сабабли ўзгармоқда, Марказий Осиё бу йўлдаги ўта муҳим чорраха бўлади.

Бизнинг давлатчилик анъаналаримиз кўп асрлик адолат, тенглик, халқ фаровонлиги, тўқис келажақни барпо этишда хайрли мақсадларнинг ўзидида жамланган, давлатлараро муносабатларимиз шарқона вази-минлик, донолик, етти ўлчаб бир кесиб, ўзаро ҳурмат, яхши қўшничлик анъаналарига асосланган. Мамлакатимиз бу борадаги барча яхши анъаналарини тиклаб, ўз тараққиёт йўлидан оғишмай, матонат билан илгариллаб бормоқда. Қайлардир, кимлардир бир нима дегани билан эндиликда бу ҳаётни жараёнларни ўзгартиришга замоннинг ўзи йўл қўймайди. Бошқача айтганда, ундай зўғумчилар дунёқароши кечаги қунда қолиб кетган, келажакни тасаввур қила олмайдиган кишилардир.

Бундай жоҳилона, ҳавоий, инсонлик ахлоқига тўғри келмайдиган хомтама орзуларда яшаётганлар бугунги қунда ҳам учраётгани жуда ачинарли ҳолат. Замонавий дунёда куч билан таҳдид қилиш шунчалар кулгили ва ноҳолларча тутумки, ундайлар ханузгача ибтидоий тушунчалар билан яшаб келаётганини кўрсатиб туради.

Начора, “саломга яраша алиқ”, дейдилар. Бундай таҳдидларнинг олдини олиш учун давлатимизнинг қудрати, салоҳияти етарли, энг асосийси — халқимизнинг ўй-фикри бу борада яқдил.

Албатта, юртимиз ҳурриятига ҳеч ким, валломоти бўлса ҳам, чўп ота олмайди. Кўп асрлар мобайнида яратилган тенгсиз тафаккур хазиналарининг вориси ўлароқ, шунча йиллик яратувчилик, бунёдкорлик, қахрамонлик тарихига эгаллик қилиш ва асрий эгу анъаналарини давом эттириш бизнинг миллий гуруримиз ўзганини ташкил қилади.

Бошқача айтганда, халқимиз она юртининг битта тошига ҳам кимлардир даҳл қилишига асло йўл қўймайди.

## Инсон қадрли учун ҲАЁТ БИР КУН, ЎША КУН БУГУН!



► Гапнинг рости, авваллари одамлар билан учрашиш, мулоқот қилишдан ўзимизни олиб қочганмиз. Чунки ишсизлик, йўл, сув, электр, газ таъминоти билан боғлиқ кўплаб масалалар уларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлган эди. Энди бу борадаги иш амаллари ўзгарди.

► Ҳар қандай мамлакатда ҳам ишламаган, меҳнат қилмаган одам нон тополмайди. Замонавий ва кўркем бинолар, дам олиш масканлари, тўқин-сочинлик, қулай шарт-шароитлар меҳнат ва изланишлар маҳсули.

4

## Аҳмадали АСҚАРОВ: АРХЕОЛОГИК ОБЪЕКТЛАРНИ БЕЗАВОЛ САҚЛАШ ВА МУЗЕЙГА АЙЛАНТИРИШ ВАЗИФАСИ ҚЎЙИЛГАН, АММО НЕЧУН СУСТКАШЛИК?..



“Ўзбеклар 4 минг йил олдин пахта эккан, ипак матолар Хитойдан олдин бизда ишлаб чиқарилган экан.

“Археологик объектларни очик осмон остида музейга айлантиришга пул ажратилмапти, лекин бу маблаг жойига етиб бораётгани йўқми, деган савол бор.

5

## Таҳлил минбари

### ХАБАРХЎРАНДАЛИК Биз қандай ахборот истеъмол қиляпмиз?



“Ахборотнинг кўпайиб кетиши “ахборот булимияси”ни кўпайтирмоқда, яъни инсонларни тобора янгилликка ўч қилиб қўймоқда.

“Айнан янгилликлар орқали ватанпарварлик ҳам, одамийлик ҳам иккинчи даражали, деган тушунчалар синдирилаётгандек гўё. Ватанпарварликни сўндириш кимга керак?”

6

Биз ва дунё

ИККИ МАМЛАКАТ ЎЗАРО МАНФААТЛИ ШЕРИКЛИКНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШГА ИНТИЛИМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

Икки давлат раҳбарлари ва делегациялари ўртасидаги музокараларда давлатлараро муносабатларнинг барча йўналишлари, жумладан, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, фан ва таълим, шунингдек, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, келгуси йилларда бу кўрсаткични 1 миллиард доллардан ошириш режалаштирилган.

Минтақавий ва глобал кун тартибига келсак, Ўзбекистон ва Беларусь минтақавий ва халқаро ташкилотлар доирасида кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантираётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистон — Беларусь олий даражадаги учрашуви мустақам ҳужжатлар тўпламининг имзоланиши билан якунланди, бу томонларнинг кўп қиррали шериклики янада ривожлантиришга интилишидан далолат беради.

**Дитрих ФЕТЧ,** "ESG Holding" компанияси ҳаммуассиси ва директорлар кенгаши аъзоси (Германия):

— Кейинги йилларда Ўзбекистон — Беларусь ҳамкорлиги сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилиб, ҳамкорликда фойдаланилмаган захираларнинг кенг имкониятларини очмоқда.

Бу, энг аввало, икки давлат раҳбарлари — Шавкат Мирзиёев ва Александр Лукашенко ўртасида йўлга қўйилган фаол ва очиқ сиёсий мулоқот натижасидир.

Беларусь Президентининг Тошкентга расмий ташрифи чоғида икки давлат раҳбарлари барча даражада, жумладан, халқаро тузилмалар — БМТ, МДХ, ШХТ, шунингдек, ҳукумат раҳбарлари, парламент аъзолари, вазирликлар ва вилоятлар миқёсида кўп қиррали мулоқотни мустақамлашга келишиб олдилар.

Самарали музокаралар натижасида икки давлат раҳбарлари Қўшма баёнот қабул қилди. Шунингдек, Ўзбекистон билан Беларусь ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича 2024-2025 йилларга мўлжалланган аниқ ҳаракатлар режалари белгилаб олинди. Уларда барча даражадаги алоқаларни фаоллаштириш, савдо айланишини ошириш, ҳамкорлик лойиҳалари, маданий-гуманитар алмашинув ва бошқалар назарда тутилган.

Беларусь билан ҳамкорликни ривожлантириш Ўзбекистон ташқи сиёсатида муҳим ўрин тутди. Утган йили мамлакатлар ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 30 йил тўлди. Ушбу тарихий даврда Ўзбекистон ва Беларусь чинакам яқин, ишончли алоқаларни ҳар томонлама мустақамлашга эришти.

**Чве Ён ХА,** Сунгун университетининг профессори, Корея Республикасининг Ўзбекистондаги солиқ элчиси:

— Икки мамлакат раҳбарларининг учрашуви Тошкент ва Минскнинг давлатлараро муносабатларни чуқурлаштириш, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни фаоллаштириш каби қатор долзарб йўналишлар бўйича қарашлари яқинлигини яна бир бор намоён этди.



Беларусь билан ҳамкорликни ривожлантириш Ўзбекистон ташқи сиёсатида муҳим ўрин тутди. Утган йили мамлакатлар ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 30 йил тўлди. Ушбу тарихий даврда Ўзбекистон ва Беларусь чинакам яқин, ишончли алоқаларни ҳар томонлама мустақамлашга эришти.

Ишончим комилки, бугунги глобал инқироз даврида Президентинг минтақавий кун тартибидан, икки давлатнинг интеграция тузилмалари ҳамда халқаро майдондаги ўзаро ҳамкорлигини янада батафсил муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ва Беларусь ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик изчил мустақамлашмоқда. Савдо айланиши 2023 йил охирида 2022 йилга нисбатан 15 фоизга ошди.

Икки давлатнинг етакчи корхоналари ўртасида иқтисодийнинг устувор тармоқларида ҳамкорлик алоқалари кенгайган. Фармацевтика, енгил ва озиқ-овқат sanoati, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларда қўшма лойиҳалар амалга оширилган. Икки мамлакат ишбилармон доиралари ва етакчи корхоналари ўртасидаги алоқалар ҳам мустақамлашмоқда.

Ташриф чоғида эришилган келишувлар Ўзбекистон ва Беларусь аънавий инфра-тузилмани ривожлантириш баробарида янги транспорт-логистика йўналишларини яратиш, ташқи савдони диверсификация қилиш, ишлаб чиқариш занжирларини тиклаш йўллари бир-галликда излаш бўйича ҳамкорликда иш олиб бораётганини яна бир бор намоён этди.

**Янь БО,** Шанхай чет тиллар университетининг хузидаги Россия ва Марказий Осиё тадқиқотлари маркази директори ўринбосари:

— Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги икки ва кўп томонлама муносабатлар изчил ривожланиб бормоқда. Мамлакатлар халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаб, минтақалараро ва кўп томонлама платформаларда, жумладан, БМТ, МДХ, ШХТ, Қўшмалик ҳаракати доирасида самарали ҳамкорлик қилипти.

Икки давлат раҳбарлари ўртасидаги дўстона муносабатлар эса давлатлараро самарали мулоқотни ривожлантиришга хизмат қилаётди.

Шунингдек, Беларусь Президентининг Ўзбекистонга ушбу ташрифи чоғида товарларни электрон сертификатлаштириш, илмий-ишлаб чиқариш кооперацияси, энергетика,

маданият ва санъат, таълим каби муҳим йўналишларини қамраб олувчи мустақам келишувлар тўплами имзоланди.

Ўзбекистон ва Беларусь ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик изчил мустақамлашмоқда. Савдо айланиши 2023 йил охирида 2022 йилга нисбатан 15 фоизга ошди.

Икки давлатнинг етакчи корхоналари ўртасида иқтисодийнинг устувор тармоқларида ҳамкорлик алоқалари кенгайган. Фармацевтика, енгил ва озиқ-овқат sanoati, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларда қўшма лойиҳалар амалга оширилган. Икки мамлакат ишбилармон доиралари ва етакчи корхоналари ўртасидаги алоқалар ҳам мустақамлашмоқда.

Ташриф чоғида эришилган келишувлар Ўзбекистон ва Беларусь аънавий инфра-тузилмани ривожлантириш баробарида янги транспорт-логистика йўналишларини яратиш, ташқи савдони диверсификация қилиш, ишлаб чиқариш занжирларини тиклаш йўллари бир-галликда излаш бўйича ҳамкорликда иш олиб бораётганини яна бир бор намоён этди.

**Мухаммад Толиб Бин Моҳаммад Ража МОҲАН,** Ислоҳ ҳамкорлик ташкилотининг Малайзиядаги Халқаро ишбилармонлик маркази бош ижрочи директори:

— Утган йиллар давомида Ўзбекистон — Беларусь кўп қиррали муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Хусусан, олий ва юқори даражадаги мулоқот фаоллашди. Ишбилармонлар кенгаши ва ҳудудлараро форум механизми йўлга қўйилди, икки мамлакатнинг етакчи корхоналари ўртасида иқтисодийнинг устувор тармоқларида ҳамкорлик алоқалари кенгайиб бормоқда.

Мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш бўйича қизқарли тажрибага эътибор қаратмоқчиман. Кейинги

йилларда қўшма корхоналар сони 4 баробар ортгани кувонарли. Бу, албатта, янги ишлаб чиқаришлар ташкил этиш ва уларни маҳаллийлаштириш, иш ўринлари яратиш, янги бозорларни ўзлаштиришни рағбатлантирмоқда.

Томонларнинг қўшма ташқи савдо компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги келишуви ва Ўзбекистон Президентининг республикада "БелАЗ" русумли автомобилларнинг ҳамкорликда ишлаб чиқариши йўлга қўйиш таклифи алоҳида эътиборга лойиқ.

Шу билан бирга, енгил sanoat, озиқ-овқат ва электротехника sanoati, фармацевтика, шаҳарсозлик ва коммуникация соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун катта имкониятлар мавжуд.

Ушбу ташриф ўзаро ҳурмат ва бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш тамоилларига асосланган Ўзбекистон — Беларусь ҳамкорлигининг бутун спектри янада кенгайтиришга хизмат қилади.

**Гаурав ГУПТА,** Хиндистон Глобал савдо ва технологиялар кенгаши президенти:

— Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг халқаро муносабатларида яққол кўзга ташланаётган жиҳат бу — амалий қўшма лойиҳаларни ҳаётга жорий этиш ва Ўзаро ҳамкорликнинг амалий натижаларига эришиш бўйича қилинётган тизимли сайё-ҳаракатларидир. Бу Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқаро сафарлари ва хорижий давлат раҳбарларининг Тошкентга ташрифлари чоғида изчил кузатишмоқда.

Беларусь Президентининг ташрифи доирасида икки мамлакат ишбилармон доиралари вакилларининг амалий мулоқотлари, ҳудудлар, олий ўқув yurtлари ректорлари, тиббиёт ходимлари форумлари ташкил этилгани, қишлоқ хўжалиги, енгил, озиқ-овқат ва электротехника

sanoati, фармацевтика, шаҳарсозлик, коммуникациялар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаб олдилар. Ўзбекистон ва Беларусь раҳбарлари ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини миллиард доллардан ортқ даражага етказиш вазифасини қўйдилар.

Марказий Осиё ва МДХ давлатлари йўналишида фаолият юритувчи транспорт-логистика компаниясини раҳбари сифатида мамлакат раҳбарларининг юк ташиш учун ўзаро қулай шарт-шароитлар яратиш ва юк ташиш йўналишида Жанубий Осиё бозорлари мультимодал коридорларидан самарали фойдаланиш тўғрисидаги қарори мени қувонтирди. Биз бу ташаббусни қўллаб-қувватлаймиз ва қўшилишга тайёрмиз.

Тошкентда имзоланган салмоқли ҳужжатлар тўплами, жумладан, Ўзбекистон ва Беларусь ҳудудлари иккинчи форуми якунида қиймати 1 миллиард доллардан зиёд шартнома ва битимларга эришилгани икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларига янгича мазмун касб этади ҳамда амалий сайё-ҳаракатлар самардорлигининг юксалишига хизмат қилади.

**Мухаммад Якуб ШАЙХ,** Покистон Сенати аъзоси:

— Беларусь Президентининг Ўзбекистонга ташрифи ўзаро манфаатли икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидлаш жоизки, учрашувнинг биринчи кунини икки давлат раҳбарлари дўстона руҳда ўтган хоккей ўйинини бориб кўргани чуқур раъзий маънога эга ва икки давлат раҳбарлари ўртасидаги ишончли муносабатлардан далолат беради.

Ўзбекистон ва Беларусь раҳбарларининг диққат марказида давлатлараро муносабатларни чуқурлаштириш, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни фаоллаштиришга қаратилган.

Беларусь Президентининг ташрифи доирасида Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги мажлиси, минтақалараро форум ва бошқа тадбирлар муваффақиятли ўтди, унинг натижасида умумий қиймати 1 миллиард доллардан ортқ шартнома ва келишувлар имзоланди.

Музокаралар чоғида давлат раҳбарлари қишлоқ хўжалиги, енгил sanoat, озиқ-овқат

ва электротехника sanoati, фармацевтика, шаҳарсозлик ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаб олдилар. Ўзбекистон ва Беларусь раҳбарлари ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини миллиард доллардан ортқ даражага етказиш вазифасини қўйдилар.

Марказий Осиё ва МДХ давлатлари йўналишида фаолият юритувчи транспорт-логистика компаниясини раҳбари сифатида мамлакат раҳбарларининг юк ташиш учун ўзаро қулай шарт-шароитлар яратиш ва юк ташиш йўналишида Жанубий Осиё бозорлари мультимодал коридорларидан самарали фойдаланиш тўғрисидаги қарори мени қувонтирди. Биз бу ташаббусни қўллаб-қувватлаймиз ва қўшилишга тайёрмиз.

**Андрей ГРОЗИН,** Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти катта илмий ходими:

— Ташрифини ҳар икки томон учун ҳам жуда муваффақиятли, деб таъкин қилиш мумкин.

Бу икки давлат раҳбарларининг учрашуви қандай оҳангда ўтгани билан изоҳланади. Ўзбекистон ва Беларусь раҳбарлари ўртасида дўстона, ўта илқ муносабатлар борлиги яққол кўринди.

Ташриф якунлари бўйича имзоланган келишув ва битимлар туризм, соғлиқни сақлаш, таълим, фан, маданият соҳаларидаги ҳамкорликдан тортиб, ишлаб чиқариш, энергетика, транспорт каби билан боғлиқ амалий масалаларга бўлган жуда кенг қамровга эга.

Чуқурлашиб бораётган шериклик бугунги кунинг вазиятда ривожланимоқда. Чунки иқтисодий ва бошқа соҳаларда халқаро рақобатнинг кучайиши ҳар қандай халқаро муносабатлар учун жиддий қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Бугунги кунда Тошкент янги транспорт йўлакларини куриш ва мустақамлаш стратегиясини мақсадли равишда амалга оширяпти.

Аҳоли сони бўйича солиқ иттифоқ ҳудудида амалда иккинчи давлатга айланган Ўзбекистон жадал суьратлар билан минтақанинг асосий транспорт марказига айланиб бормоқда. Тошкент иштироки эса ҳеч қандай йирик лойиҳалар амалга оширилмайди.

**Карлыгаш АШИРХАНОВА,** Халел Достмухаммедов номидаги Атирау университетининг халқаро алоқалар ва халқаролаштириш бўлими бошлиғи:

— Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон ва Беларусь етакчиларининг учрашуви, ҳақиқатан, замонавий геосийсий динамика шароитида муҳим воқеадир. Мутахассисларнинг қайд этишича, икки давлат ўртасида ҳамкорликнинг янги йўналишлари йўлга қўйилган нафақат иқтисодий, балки сиёсий нуқтан назардан ҳам муҳим қадим ҳисобланади.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик динамикаси ва қўшма ташқи савдо компаниясини ташкил этиш ва экспорт-импорт етказиб беришни қўллаб-қувватлаш механизми каби эришилган келишувлар фонида икки давлат ўзаро манфаатли шериклики чуқурлаштиришга интилаётгани яққол намоён бўлмоқда. Ушбу қадамлар дўстона муносабатларни мустақамлашга, турли соҳалардаги келгуси ҳамкорлик учун мустақам замин яратишга хизмат қилади.

Умуман олганда, икки мамлакат президентларининг учрашуви ўзаро манфаатли шериклики чуқурлаштириш ва мустақам алоқаларни ўрнатиш учун ноёб имконият яратади.

"Дунё" АА

Инсон қадри учун

МАЪРИФАТ ДУНЁНИ АНГЛАШ ЙЎЛИДИР

Инсон абадий яшамайди, ammo унинг маънавий оламидан яралган эзгу гоьлар абадийдир. Одамзод қўлидаги тарози икки палласининг бирланиши иқтисодиёт, иқтисодиёт маънавияти таради. Маънавият палласи тош босиб турса, жамият ривожланади.

**Гулбаҳор САИДҒАНИЕВА,** Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

Бугун халқимизнинг маънавий хазинасини асраб-авайлаш, уни юксак қадрият ўлароқ дунёга кўрсатиш йўлида катта сайё-ҳаракатлар бор. Жумладан, 100 жылдли "Туркий адабиёт дурдоналари", 30 жылдли "Мустақиллик даври навоийшунослиги" каби бир неча адабий мажмуалар яратилиши муҳим воқеа бўлди. Яқинда Туркия ва Озарбайжонда "Туркий адабиёт дурдоналари" мажмуаси тақдимоти ўтказилди.

Аждодларимиз тарих олдида арзирли ишлар қилган. Узоққа бормаилки, яқин ўтмишимизда Туркистон жадидадорининг жуда катта салоҳияти, ватанпарварлиги билан мислсиз ижтимоий-сиёсий ҳодисалар юзага чиққан. Улар фаолияти, илгари сурган гоьлари бугунги Ўзбекистон сиёсатига ҳамоҳандир. Мазкур жараён таълим соҳасини ислоҳ қилишдан бошланган эди. Миллийликни улуглаган ҳолда замонавий дунё илм-фани, хорижий таърибаларни ҳам ўрганганди. Чунки мамлакат болаларига, аҳолисига маърифат бермагунча, чин савод ўргатмагунча дунёни англаш мумкин эмас.

Миллат, Ватан тараққийли йўлида фидойиллик учун, аввало, миллий ўзликни англаш



муҳим. Бугунги Ўзбекистонда мактаб таълимидаги ислохотлар туфайли ўқувчилар икки хорижий тил ва касб-хунар ўрганиб чиқишининг йўлга қўйилиши ҳам дунё майдонидан ўзбекнинг ўзлигини топишга қўйилган қадамдир.

Дунё кутбларида янгича тартиблар юзага келаётган, таҳликали ва мураккаб вазиятлар пайдо бўлаётган ҳозирги вақтда ватанпарварлик ҳисси ҳар доимидан кўпроқ керак бўлади. Баъзан тармоқларда ўзга гоьлар туфайли бир-бири билан жиққамушт олишаётган

ёшларни кўриб, хафа бўлиб кетасан. Йўқ, биз ягона миллий гоь атрофида, ватанимиз тараққийи учун бир мушт бўлиб бирлашишимиз керак.

Давлатимиз раҳбари Маънавият ва маърифат кенгашининг ўтган йил 22 декабрь кунини бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида 9 та йўналиш бўйича фикрларини билдириб, муҳим ташаббусларни илгари сурар экан, адабиёт, театр, мақом, бахшичилик, хунармандик, рассомлик, музейлар, кино санъати фаолиятига оид вазифаларни ўртага ташлади ва масъулларга аниқ тақсимлаб берди. Буларнинг замирида миллий ўзликни англаш, анъаналар ва эришилган тарихий ютуқларни қадрлаш, шунингдек, ўзга гоьлар, маънавиятимиз ва одатларимизга зид ҳолатларнинг ўзлашиб қолишдан ҳимоя етади. Маънавий қиёфаси гўзал инсон, албатта, кутубхоналарда кўп бўлади, театр, санъат асарларини, мусиқани қадрлайди. Бундай одамда ҳаётга, жамиятга, дунёга мустика қарашлар шаклланган бўлади, тақлиф-мулоҳазалар бера олади.

Юртимиз сиёсатида жамоатчилик фикри муҳимлиги кўзга ташланади. Давлат дастурлари халқ муҳокамасида бўлиши, йирик дастурлар жамоатчилик фикри, тақлифлари асосида қабул қилиниши, унда халқнинг иштироки, жамоатчилик фикри эътиборга олиниши биз эришган муҳим ютуқлардан. Бунга жавобан биз, зиёлилар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳам ўз давримизнинг жадиди каби Ватан учун, унинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий юксалиши учун хизмат қилишимиз шарт.

Мамлакатимизда юритилаётган ташқи ва ички сиёсат, ислохотлар бугун қонуларда акс этти бошлади. Бу парламент ҳаётида ҳам бўй

кўрсатмоқда. Парламент аъзолари айни кунда ана шу ҳаётини ва халқчил нормалар асосидаги қонулар устида ишламоқда. Бунда халқимизнинг кўп асрлик маънавий, маърифий қадриятлари устуворлигига эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, бугун Қонунчилик палатаси депутатылари давлат дастурлари қабул қилинишида ўз тақлифлари билан фаол қатнашмоқда.

Жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз вазифасини сийқидилдан ижро этиши маънавият масаласидир. Ҳар бир иш ҳалоллик билан, виждондан бажарилар экан, мамлакат тараққийи йўлида улкан натижаларга эришилади. Маънавият эса китобсеварликдан, маърифатдан бошланади. Маънавияти, маърифатли инсон ватанпарвардир. Ватан сарҳадларини бедор қўриқлаб турган аскарнинг савоби улғулиги айтиллади китобларда. Бугун ахборот жанггоҳларида, маънавий-маърифий сарҳадларда қалам тутган бедор инсонлар ҳам Ватан қўриқчиларидир.

Шу ўринда адабиётимиз кўеши Навоий бобомизнинг ватанпарварлигининг олий намунаси сифатидаги сатрларини эсласак. У "Девони Фоний" китобида ёзади:

Шахроҳу сўйи жаннатни фирдавси жуънд,  
Фони, ба яқин дон,  
ки хиёбони Ҳирот аст.

Мазмун: Фирдавс жаннати сари энг яқин шоҳқўчани изласанг, Фоний, билгилки, бу Ҳирот кўчасидир. Яъни жаннат савобини топиш учун энг яқин йўлни юртимизни юксалтириш, атрофимиздаги одамларга яхшилик қилишдан ишлаш керак. Халқини, миллатини, юртини севган одам икки дунё саодатини топгай.

"Дунё" АА

Ҳамкорлик

ТУРКИЯДА ЎЗБЕК ТИЛИ ВА МАДАНИЯТИ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети, мамлакатимиз элчихонаси ҳамда Истанбулдаги Бош консуллик ҳамкорлигида Туркиянинг Бурса шаҳрида Ўзбек тили ва маданияти маркази очилди.

Улуғдаг университетда ташкил этилган марказнинг очилиш маросимида Халқаро туркий маданият ташкилоти — ТУРКСОЙ, Туркия Миллий таълим вазирлиги вакиллари ва маҳаллий навоийшунос олимлар ҳамда талабалар иштирок этди.

Тадбирда сўз олганлар марказнинг очилиши Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги минг йиллик кардошлик ришталарига асосланган муносабатлар натижаси эканини таъкидлади.

— Бугун биз учун, ҳақиқатан, жуда муҳим кун. Чунки узоқ йиллардан бери режалаштириб келинаётган Ўзбек тили ва маданияти марказини очиб шарафига муассас бўлди. Сўнгги йилларда икки давлат раҳбарлари ўртасида қарор топган яқин ва дўстона муносабатлар турли жабҳаларда ўзбек-турк ҳамкорлиги ривожига муҳим замин яратмоқда. Ўзбек тили ва маданияти маркази ҳам Бурса аҳли, хусусан, Улуғдаг университети талабалари ўртасида Ўзбекистон тарихи ва маданияти, ўзбек тили ва адабиётини ўрганишни тарғиб қиладиган маърифат масканига айланишига ишончим комил. Ўзбекистон томонидан тақдим этилган ўзбек тилидаги китоб ва адабиётлар ҳамда ўзбек санъатини намоён қилувчи хунармандик ашёлари талабаларимиз учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади, — деди Улуғдаг университети ректори Феруудун Йилмас.

Мазкур марказ ўзбек тили ва маданиятини Туркияда тарғиб қилиш, илмий тадқиқотларни амалга оширишда муҳим илм ўчоғи бўлади. Буоқ аждодимиз Алишер Навоий таваллудининг 583 йиллиги муносабати билан айнан Улуғдаг университетда ташкил этилган "Алишер Навоий ва XXI аср" мавзусидаги халқаро конференция марказининг борадаги илк тадбирларидан бири бўлди.

"Дунё" АА

Мен ёнмасам, сен ёнмасанг...

МАКТАБ — БОШ МАҚСАД, БИРИНЧИ МАСАЛА ВА НАЖОТ ҚАЛЪАСИДИР



Исмоил САИФНАЗАРОВ, фалсафа фанлари доктори, профессор

Бошланғичи 1-бетда

Шу ҳақда сўз юритганда, қуйидаги мисолга эътибор қаратишни лозим топдим. Иккинчи жаҳон уруши даврида Буюк Британия бош вазири Уинстон Черчиллга танишиб чиқиб унинг учун мамлакат бюджетини келтиришган экан. У ҳужжатга кўз югуртириб, сўради:

— Маданият ва маърифат масалаларига харажатлар қани?

— Ахир уруш кетяпти, қандай маданият? — дебди ҳужжатни олиб кирган киши.

— Агар маданият ва маърифат йўқ бўлса, унда нима учун урушяптимиз? — дея ҳайрат билан сўради Черчил.

Хозир дунё нотинч. Шундай оғир шароитда мураккаб ва кескин муаммоларга тўқнаш келадиганимизга қарамастан, илмга эътиборни кучайтиришимиз шарт. Давлатимиз раҳбарининг "Янги Ўзбекистон — мактаб оstonасидан бошланади", деган фикрида ўта муҳим стратегик ғоя мужассас. Дарҳақиқат, мактаб — муқаддас даргоҳ. Мактабнинг ривожланиши, юксалиши, тараққий этиши муҳим ва заруратдир. Бунга асос бўлган ахлоқдор мактаб таълимига алоҳида эътибор қаратмоқда. Натигада мактаблар миллатга таълим-тарбия бермоқда. Тафаккурини тиниқлаштироқда. Таълим, у мактабгача таълим бўлади, халқ таълими ё олий таълим бўлади, тизим бир бутунлиқда инсон капиталини яратиш ва ривожлантиришнинг бош омили ҳисобланади.

XXI асрга келиб, дунёда инсон капитали масаласи кун тартибига чиқди ва мустақкам ўрин эгаллади. Мамлакатлар рейтингини белгилашда асосий талаблардан бири ҳам инсон капиталидир. Ўзбекистонда бу борада жуда муҳим қадамлар ташланди. Аввало, мактабгача таълим тизими янгидан ташкил этилди. Халқ таълими соҳасида 11 йиллик мактаб таълими тикланди. Самарасиз касб-хунар коллежлари ёпилиди. Ўқитувчи ва ўқувчилар мажбурий меҳнатдан озод қилинди. Муаллимнинг маоши бир неча баробар ошди. Мактаблар моддий-техник базаси янгиланди. Олий ўқув юртлирига қабул квоталари йилдан-йилга ошиб бормоқда. Профессор-ўқитувчиларнинг иқтисодий аҳоли тубдан яхшиланди. Талаба ва домлалар пахта терими, турли хил ҳашарлардан халос бўлди. Ёшларнинг олий маълумот олиш имконияти кенгайди. Халқро нузугга эга бўлган олий ўқув юртлирининг филиаллари кўпайди.

Хўш, мамлакатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган таълим ислохотларига мутасаддилар қандай жавоб қайтармоқда? Маоши кўтарилган муаллим, домла ўз дунёқарашини ўзгартирдими? Таълим сифатини яхшилаш учун жон куйдириятими? Синфхонада, аудиторияда мамлакатнинг эртанги кунни, келажак борлигини аниқлаб билишимиз? Ўзбекистонда чорак аср давомида, айниқса, таълим соҳасида жуда орда қолганини, жаҳон таълим стандартларидан узоқлашиб кетганини билладими? Саволлар кўп, жўяли жавоб йўқ.

Хукумат ўқитувчи ва олимлар олдидаги ўз мажбуриятини бажари. Бугун ҳатто 1000 доллардан ошириб маош олаётган мактаб ўқитувчилари сони анчагина. Ўз устида ишлаётган, малакали мактаб муаллимларига ҳам эътибор кучайди. Аммо барибир фаолиятимиздан ўзимизнинг кўнгилмиш тўлмайди. Президентимиз таъкидлаганидек, "Агар раҳбарлар, муаллимлар, янги Ўзбекистонга муносиб харажат қилса, фарзандларимизни давр талабига мос ўқитишимиз мумкин. Халқимиз бизга энг катта бойлигини — зурриёдини ишониб беришти. Бу жуда катта масъулият. Шунинг ҳисобидан, ўзимизни қийнаб, мактабни ислохот қилмас, келажакка замин яратамиз".

Ушбу талаб жуда ўринли ва ўз вақтида қўйилмоқда. Фарзандларимизнинг умрини беҳудга ўтказмаётган, дарс — муқаддас тамойилга амал қилмайдиган, оладиган маошини оқламайдиган ўқитувчилар ҳам учраб туради

орамизда. Лекин танқидлардан, кўрилган чора-тадбирлардан кейин ўқитувчилар фаолияти ҳам, ўқувчилар билим ва савияси ҳам ижобий ўзгаришлар рўй берди. Бунинг исботини ярим асрдан кўпроқ вақт талабаларга дарс бераётган педагог сифатида танамада ҳис қиламан.

Абитуриент ва талабалар билан суҳбатда бўлам. Масалан, 2022-2023 ўқув йилини битирган ўқувчиларнинг илм олишга бўлган иштиёқи баланд. Улар информатика, математика, хорижий тиллар каби фанлар бўйича юқори ўзлаштиришга эга. Аммо тарих ва адабиёт фанлари бўйича билимлари анча саёз. Бу эса мамлакатимизнинг юртга дахлдор, маънавиятли ва ватанпарвар фарзандларини тарбиялаш борасидаги мақсадларига мос эмас. Ахир биз орзу қилган фарзандлар уйғоқ ва ҳар томонлама баркамол бўлиши керак. Ҳеч нарсага бефарқ бўлмаслиги лозим.

Бугунги ахборот ва юқори технологиялар асрида фақат замонавий қурол-аслаҳаларнинг ўзи мамлакатнинг тинчлиги ва барқарорлигини таъминлай олмайди. Ахборот майдони ҳақиқий жанг майдонига айланиб бўлди. Ахборот каналлари ўткир ва тезкор қурол сифатида тобора куч олмақда. Бу эса айнан ана шундай хуружларга қарши тура оладиган фарзандларни тарбиялашни тақозо этади. Бунда ҳамма нарсани мактаб ҳал қилади. Айнан маънавий-руҳий тарбия керак пайтда қалқон, керак пайтда ҳимоя қуроли вазифини ўтай олади. Президентимиз таъкидлаганидек, "Ўз фарзандларидан юксак ватанпарварлик руҳини камол топтира олмаган давлат қандай қудратли қуролга эга бўлмасин, мудоффа қобилиятини



Тарихга назар ташланг, мамлакатлар қачон қудратли бўлган? Қачон тараққий этган? Қачон гуллаб-яшнаган? Қачон халқ фаровон ва бой яшаган? Албатта, илм-фан ва таълим ривожланганда. Минглаб мактаб ва мадрасалар қурилганда. Шаҳарларимиз марказидаги энг баланд, энг муҳташам иморатлар мадрасалар бўлганда. Аччиқ бўлса-да, яна бир бор такрорлаймиз, мактабни янгилаш керак.

мустақкамлай олмайди". Бундай миллат бир кун ганимлар томонидан маҳв этилиши мумкин.

Демак, маънавий-руҳий, ватанпарварлик тарбиясини кучайтиришда ёзувчи ва шоирлар, кино, театр, телевидение ижодкорлари, маънавий-маърифий жаҳаларда фаолият юритувчи ташкилотлар ҳамда муҳим вазибалар турибди. Бугун ёзувчиларимиз ўқувчилар учун замонавий қаҳрамонларни кўрсатиб берадиган асарларни, образларни яратиши керак.

Бир пайтлар Павел Корчагин, Валентин Котик, Зоя Космодемьянская каби қаҳрамонлар образини миямизга қўйишган. Бегона миллат қаҳрамонларига ҳавас қилиб катта бўлди. Бугун ҳам ижтимоий ҳаётимизда шундай аниқларни ҳолатлар учраб турибди. Болаларимиз Жумонг, Де Жойонг каби корей ва бошқа миллатлар қаҳрамонлари моҳирона тасвирланган сериалларни кўриб катта бўляпти. Уларга ҳавас қилапти. Хўш, ўзимизда ўрнак қилиб кўрсатса бўладиган аждодларимиз йўқми? Бор. Ҳатто улар нолаб кинофильмлар ва сериалларга сиймайди. Бунинг учун миллатпарвар, юртпарвар бўлишимиз, эртанги кунимиз учун куйинишимиз керак.

Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбеков ижросида айтилган "Ким Ватанга қалқон бўлса, мендирман ўшал!" деган қўшиқ бугун улуг саркарда Жалолитдин Мангуберди тимсолида миллионлаб фарзандларимиз юрагига мардлик ва жасорат, ватанпарварликни улғайтиришга хизмат қилмоқда. Аммо бу каби юракни жунбушга келтирувчи, юксак ватанпарварлик туйғусини кучайтирувчи қўшиқлар кўплай яратилиши лозим. Тўмарси, мардлик мардликни уйғотади, эр йигит сўзи эр йигитни камолга еткази. Аждодларимиз мардлиги, жасорати билан асрлар давомида душманларни қўрқув ва таҳликага солиб келган. Зеро, шер бор жойга қашқир йўлдамас, деб бежиз айтмаганлар. Ватанимиз тарихида айнан ватанпарварлик туйғуси сабаб ўзидан сон жиҳатдан бир неча ўн баробар кўп бўлган қудратли лашкарларни енгган қанчадан-қанча жасур аждодларимиз ўтган. Тўмарси, Спитамен, Маҳмуд Торобий, Амир Темур, Жалолитдин Мангуберди, Бобур Мирзо — булар маънавий рух, мардлик ва шижоат, миллатпарварлик, ватанпар-

варлик туйғуси билан аскарларини қудратли кучга айлантира олган юрт қаҳрамонларидир. Шу маънода, жасур аждодларимизнинг жанг санъати, ҳарбий меросини анада чуқур ўрганасан, уларни кино тасмаларига, экран-



ларга олиб чиқасан, эртанги кун эгалари ватанпарвар бўлиб етишади.

Тарихдан маълумки, Ватан озодлиги учун кураш масаласи алломалар асарлари ҳамда эзгу ғояларни ифода этувчи таълимотларнинг бош маслаги бўлиб келган. Ватан тарихини билган, улуг аждодлар меросини чуқур ўрганган ҳар бир инсон қалбига миллий гуру-ифтихор туйғулари янада жўш уриб, эл-юртга садоқати ортиб бораверади. Инсон қалбидан миллат, Ватан, аждодлар руҳи олдидаги бурч ва туйғулар қанчалик чуқур жой ола, маҳдудлик ўрнига миллий ғоялар вужудга келади. Мана шундай фазилатларга эга инсонларга курашчанлик, ташаббускорлик, ўз-ўзини англаш, миллат, Ватан шайни ва манфаатини ҳимоя қилишдек муқаддас туйғулар шаклланади.

Демакки, Ватан шайни, ор-номусини жон-жаҳди билан ҳимоя қиладиган, жамият мақсад ва манфаатларини тушуниб етadиган, ҳар томонлама камил инсонни тарбиялаш, бунинг учун фарзандларимиз онгидан юрт тақ-

дирига дахлдорлик, тинч, эркин ва фаровон ҳаётнинг қадрига етиш туйғусини кучайтириш биз — зиёлилар олдидаги энг устувор масала бўлиб қолаверади. Ижод аҳли мард ва жасур аждодларимизни, саркардаларимизни, жаҳид боболаримизнинг ёрқин сиймосини киноларда, спектаклларда, магбуотда, асарларда кўрсата оласан, юртдошларимизни, ёшларимизни, ҳозирги кескин шароитда гоёвий-мафкуравий соҳада рақобатга тайёрлашга эриша оламиз. Булар оддий масалалар эмас. Одамни жиддий ўйлантирадиган, ташвишга соладиган саволлар.

Қисқаси, мактаб ҳам, муаллим ҳам, жамият ҳам, ота-она, она, маҳалла ҳам мактаб ишига нисбатан ўзгариши шарт, янгилашишга, уйғонишга мажбур. Бундан бошқача бўлмайди. Шу ўринда, нафақат мактаб, балки олий таълим муассасаси ҳам ўз иш услубини, таълим-тарбия беришни бутунлай замонавийлаштириши керак.

Биз таълимнинг куч-қудратини, мазмун-моҳиятини тўлиқ англаб етганимиз йўқ. Биргина Осие йўлбарслари, деб аталган Сингапур, Жанубий Корея, Малайзия каби

Агар мактабда муаллим, университетда домла ўз ишига виждонан ёндашганда эди, ҳаётимиз бутунлай бошқача бўларди. Яна бир нарсага одадлашиб қолганмиз. Масхид, мадраса қуришга боримизни сарфлаймиз. Мактаб қуришга келганда юзимизни ортга бурамиз. Ахир эртанги кунимиз эгалари мактаб паргасидан чиқади-ку. Тадбиркор, пулдор юрдошларимиз мактаб учун ҳам қайишса, бунинг мевасини бугун бўлмаса, эртага кўрамиз.

Барча иллатларнинг дояси илмсизлик экан, миллатнинг оёғига тушов бўлаётган курсурлардан тезроқ қутулишимиз шарт. Дабдабали тўйлар, ҳашаматли иморатлар, кераксиз орзу ҳаваслар ўрнига болаларимизни ўқитишимиз зарурат эканини нуғутишга ҳаққимиз йўқ. Ҳаммасини давлатга ташлаб қўйиш, ҳаммасини давлатдан кутиш тўғри эмас. Инсон тафаккури, дунёқарши, билим ва қобилияти жуда муҳимлигини англаб етмас эканмиз, аҳолиимиз ўнганмайди. Илм-фан ва сифатли таълимсиз тараққиёт ҳам, ривожланиш ҳам бўлмайди.

Бизингча, мактабларга ватанпарвар, ўтмишда фидойилик кўрсатган тажрибали педагогларни, олимлар, ёзувчи ва шоирлар, таниқли спортчилар ва санъаткорларни кўпроқ жалб қилиш, ўқувчиларни уларнинг ибратли ҳаёт йўли билан таништириш ҳам фойдали бўлади. Шу ўринда, бир мисол келтирмакчиман. Таниқли ака-ука олимлар, академиклар Саидхорор ва Сандасорор Ғуломов пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги мактабларга ўз ташаббуслари билан қанаб, ўқувчилар билан учрашиб, уларни илм-фанга қизиқтириш учун бор тажрибаси, маҳоратини ишга соляпти. Қанийди, жамиятимизда шундай фозил инсонлар қанчалар!

Нокмат қилётган бўлса ҳам айтман, камина меҳнат қилётган Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ўз юртига садоқат, бағрикенглик, ватанпарварлик ва меҳр-оқибат ҳиссини ривожлантириш, жамиятимиз асоси бўлган маҳалла институтининг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш мақсадида фалсафа фанидан "Менинг маҳаллам — менинг фахрим" мавзусида талабаларнинг мустақил ишини ташкил қилдик. Бундан кўзланган мақсад фарзандларимизни, талаба ёшларни маҳалла ҳаётига, унинг қадриятларига яқинлаштириш ва шу орқали ўзлигини англаши, ватанпарварлик, элпарварлик эътиқодини ривожлантиришдир. Назаримда, бундай амалиётни мактабларда ҳам жорий этиш керак. Мактаб даргоҳида олинган билим тошга ўйилган нақидек бола миясида қолиб кетади.

Иш даргоҳидаги маънавий муҳит масаласи ҳам жуда муҳим. Аёл ўқитувчиларнинг билими, маҳоратини ҳеч камситмаган ҳолда айтганмизки, мактабларга эркак ўқитувчиларни ҳам жалб этиш зарур. Иродали, матонатли, жасур, ҳамиятли, ор-номусли фарзандларни тарбиялашда уларнинг ўрни ҳаммиса юқори бўлган. Мактабда маънавий муҳитнинг ёмон бўлиш ҳолати билан мутлақо мурося қилиб бўлмайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 5 февраль кун ижтимоий соҳалардаги устувор вазибалар муҳокамаси юзасидан

ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам кўп масала ва вазибалар қатори мутасаддиларга "мактаб — ота-она — маҳалла" занжирини асосида электрон мулоқот платформасини ишга тушириш топширилди.

Ёшлар ўртасида оммалашган ижтимоий тармоқларни таҳлил қилиб, уларнинг зарарли таъсиридан ҳимоялаш ва ижобий томонидан фойдаланиш бўйича ота-оналар ва ўқувчиларга содда тилда қўлланмалар яратиш муҳимлиги қайд этилди. Давлатимиз раҳбари шу ва шу каби ташаббуслар амалиётда йўлга қўйилса, ота-онада маъсулият, ўқитувчида мажбурият, ўқувчида ишонч, таълим ва тарбияда сифат, маҳаллада эса назорат бўлишини таъкидлади.

Шунингдек, мактабларда оғриқли масалалардан бири бу — тарбия ва маънавият эканига эътибор қаратилди. Ўтган йили воёга етмаганлар 3,5 мингта жиноят содир этгани, шундан 2 280 нафарини мактаб ўқувчилари ташкил қилиши ҳақидаги рақамлар таҳлил қилинди.

Дарҳақиқат, маънавият, маърифат, маданият мактабдан бошланади. Маърифатпарвар жаҳид аждодимиз Абдурауф Фитрат ҳаёт йўлида биринчи масала мактаб масаласидир, деган эди. Айтмоқчимизки, бугун мамлакатимиз учун мактаб бош мақсад, биринчи масала ва нажот қалъасидир. Мактабни ўзгартирсан, мактабни тараққий этиштириб бўлмайди. Демак, миллат ва мамлакат тақдир мактабда ҳал бўлади. Шунинг учун Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўқитувчи ва педагогларни мактаб таълими соҳасидаги ислохотларни амалга оширишда энг яқин ёрдамчим деб биланам, деган эди.

Тарихга назар ташланг, мамлакатлар қачон қудратли бўлган? Қачон тараққий этган? Қачон гуллаб-яшнаган? Қачон халқ фаровон ва бой яшаган? Албатта, илм-фан ва таълим ривожланганда. Минглаб мактаб ва мадрасалар қурилганда. Шаҳарларимиз марказидаги энг баланд, энг муҳташам иморатлар мадрасалар бўлганда. Аччиқ бўлса-да, яна бир бор такрорлаймиз, мактабни янгилаш керак. Унга янги рух киритиш шарт. Буларнинг ҳаммаси учун фарзандларимизни фикрлашга ўргатайлик.

Бугун дунёда ҳам аҳвол шундай. Илм-фан ва таълим ривожланган давлатлар ҳар томонлама жаҳонга ҳукмронлик қилмоқда. Аслида, қурол-яроғдан-да кўпроқ мабағларини илм-фанга йўналтирмоқда. Камбағал мамлакатлардаги истеъдодли ёшларни, иқтидорли олимларни катта пул эвазига ўзларига қачириб олмақда ва улардан мақсадлари йўлида фойдаланмоқда. Илмий салоҳиятга эга чиқмоқда. Бунинг натижасида давлатлари зиёда бўлиб, халқи яхши яшамоқда.

Мақсадимиз Учинчи Ренессансни қуриш экан, инсон манфаатлари бирламчи бўлган, иқтисодий ривожланган, ижтимоий мукамил, барқарор жамиятни барпо этиш экан, пойдевори замондан илгари қадам ташлайдиган таълим ва илм соҳибларидир. Бу ҳақиқат Президентимиз томонидан илгари сурилмоқда ва халқимиз ҳаётдан тобора чуқур ўрин эгалламоқда.

Мактаб масаласи барча ислохотларимиз марказида бўлмоғи зарур.

Бугуннинг гапи

ТЎРТТА ЙИРИК КОМПАНИЯ:

бошқарув тизимидаги ўзгаришлар иқтисодиётга қанчалик фойда келтиради?



Абдулла ХУРСАНОВ, "Олмалик кон-металлургия комбинати" АЖ бошқаруви раиси

Кейинги йилларда "Навоий кон-металлургия комбинати", "Олмалик кон-металлургия комбинати", "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамиятлари ҳамда "Навоийуран" давлат корхоналарини ривожлантириш учун 7 миллиард 400 миллион доллар инвестиция киритилди. Бунинг натижасида олтин ишлаб чиқариш ҳажми 23 фоиз, мис 41 фоиз, кумуш 60 фоизга ошди. Умуман, ўтган 6 йилда ушбу корхоналарнинг жами саноатдаги улуши 10 фоиздан 17 фоизга, бюджет тушумларида эса 11 фоиздан 25 фоизга ошган.

Ишлаб чиқаришда операцион харажатлар ва энергия сарфини мақбуллаштириб, таннархни қисқартириш, шунингдек, меҳнат унумдорлигини оширишни бевоқиф раҳбар ва мутахассисларнинг самарадорлик кўрсаткичларига (KPI) боғлаш бундан вазифалар қўйилди. Уларнинг барчаси Олмалик кон-металлургия комбинати фаолиятига бевоқиф дахлдор. Хусусан, 2024 йилда 3-мис бойитиш фабрикасини қисқа муддатда ишга тушириш ва қўшимча 21,5 минг тонна мис бойитмасини тайёрлаш эвазига мис ишлаб чиқаришини 170 минг тоннага етказиш мақсад қилинган.

Жорий йилда 2,136 миллиард долларлик инвестицияларни, шу жумладан, 2 миллиард долларлик хорижий инвестицияларни жалб қилишни режалаштирган эдик. Президентимиз инвестицияларни жалб этишни 3 миллиард долларга етказиш бундан қўшимча топшириқ берди. Бунинг урдулаш учун салоҳиятимиз етарли. Ана шундай имкониятлардан бири бу — Маҳаллийлаштириш дастури ижросини тўлиқ амалга ошириш. Жорий йилда ушбу дастур асосида 1,16 миллиард, саноат кооперацияси орқали 1,320 миллиард, жами 2,337 миллиард сўмлик маҳсулотлар ўзлаштирилиши мақсад қилинган эди. Лекин белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, қўшимча равишда 500 миллиард сўмлик маҳсулот ўзлаштирилиши режалаштирилди. Унинг амалга оширилиши импорт ўринини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришини янада кўпайтиришга имконият яратиш ҳолда маҳсулот таннархини туширишга ёрдам беради.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида келгусида комбинат томонидан умумий қуввати 55 минг тонна қўйма маҳсулотлар ва тоғ-кон техникалари учун эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги машинасозлик заводи қурилади. Германия компаниялари билан ҳамкорликда нефть, газ ва кимё саноати эҳтиётлари учун кимёвий чидамкор шиша толали маҳсулотлар тайёрланади. Хитойлик ҳамкорлар билан тоғ-кон автосамосваллари учун эҳтиёт қисмлар, шунингдек, мис ва нодир металллардан юқори қўшимча қийматга эга ишлаб чиқаришни кенгайтириш чоралари қўйилади.

2017 йилда "Ёшлик-1" конини ўзлаштириш лойиҳасига киришилган эди. Бугунги кунда дунёдаги энг йирик тоғ-кон саноати мажмуаси сифатида эътироф этилаётган 3-мис бойитиш фабрикасини барпо этишнинг якуний босқичига чиқяпмиз. Лойиҳа бошлангандан буён 173,2 миллион куб метр кон юзасини очиш ишлари бажарилди, 33,3 километр темир йўллар ётқизилди. Қурилиш жадаллаштириш мақсадида янги металл конструкциялари ишлаб чиқариш заводи ишга туширилди. "Ёшлик-1" кони, 3-мис бойитиш фабрикаси ва бошқа қўшимча объектларни электр таъминоти билан таъминлаш учун зарур чоралар қўйилди.

"Ёшлик-1" кони ҳудудда жойлашган, қуввати 30 миллион тонна бўлган дастлабки майдалаш ва юклаш бўлинмасининг биринчи қисми ва кондан фабрикага маъданни ташинишга мўлжалланган конвейер линияси синов тариқасида



ишлаб чиқарилади. 90 минг тонна қувватга тенг бўлган, конларни очишда асқатадиган портловчи моддалар заводи фаолияти йўлга қўйилди. Олдимизда улкан вазифалар турибди. Янги Ўзбекистоннинг янги комбинати бунёд этилди. Шу кунларда 4-мис бойитиш фабрикасини лойиҳалаш ишлари жадал олиб боришмоқда. Шу билан бирга, замонавий технологиялар асосида Мис эритиш заводи қувватларини 2,7 баробар ошириш бундан ҳам лойиҳа тайёр.

4-мис бойитиш фабрикаси ҳамда Мис эритиш заводининг янги қувватлари ишга тушириш натижасида 2030 йилга қадар мис ишлаб чиқариш ҳажми йилга 500 минг тоннага, олтин 50 тоннага ва кумуш 270 тоннага, сульфат кислота 4,1 миллион тоннага етказилади. Бу рақамлар, шубҳасиз, Ўзбекистон иқтисодиётини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Бу йирик лойиҳаларнинг янги бир эътиборли жиҳати уларнинг "яшил" иқтисодиётга асосланганидир. Янгилаётган комбинатнинг ишлаб чиқариш жараёнида табиатга зарар етказмайдиган ва атмосферага чанг, газ чиқармайди-

ган "яшил" технологияларни жорий этиш ниятида.

Президентимиз таъкидлаган муҳим масалалардан яна бири — трансформация жараёни билан узвий боғлиқ. Яъни эндиликда йирик металлургия компанияларида бошқарув рақисининг трансформация бундан биринчи ўринборлиги лавозими жорий қилинади. Унга бундан ташқари трансформация бундан лойиҳа офиси ташкил этилиб, хорижий тажрибага эга малакали мутахассислар жалб қилинади.

Комбинатимизда трансформация бундан сезиларли жараёнлар амалга оширилди. Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартга ўтилди. "S&P Global Ratings" "В+" ("барқарор") ҳамда "Fitch Ratings" "ВВ-" ("барқарор") кредит рейтинглари берилди.

Бошқарува ҳам бир қатор ўзгаришлар киритилди, "Форензик" аудити ўтказилди, харидлар жараёни тўлиқ рақамлаштирилди. Ассосий мис занжири: "Қалмоққир" кони, Мис бойитиш фабрикаси, Мис эритиш заводининг бизнес жараёнида таҳлил қилиниши ва операцион самарадорлигини ошириш бундан чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Трансформация, кредит рейтинглари ва халқаро молиявий ҳисоботлар эвазига 1,9 миллиард доллар тўғрисида давлат кафолатисиз кредит жалб қилинди. Бунинг эвазига 125 миллион доллар молиявий харажатлар иқтисод қилинди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоиз, "ОКМК-2030" рақамли концепциясини амалга ошириш юзасидан ўтган йиллар мобайнида комбинатимизда салмоқли ишлар олиб борил-

ди. Биринчи навбатда, ишлаб чиқаришда технология жараёниларни бошқариш, транспорт-логистика тизимлари тўлиқ рақамлаштирилди. Хужжатлар айланиши, иқтисодиёт-молия, бухгалтерия соҳаси учун ID ва 1С тизимлари жорий қилинди. 2024 йилда рақамлаштириш йўналиши доирасида 20 дан зиёд лойиҳаларни йўлга қўйишни режалаштирганимиз. Бу ишлар келгусида ҳам изчил давом эттирилади ва барча соҳалар тўлиқ рақамлаштирилади.

Тоғ-кон саноати, геология, металлургия соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш ҳам эътибордаги масалалар. Бу борада комбинатда хорижий тажрибага асосланган мулкдош янги тизим йўлга қўйилмоқда. Комбинат негизда геология, маркшейдерлик, кончилик иши, бойитиш, металлургия, механика, энергетика, кон саноати транспортлари, автоматлаштириш каби таълим йўналишлари бўйича тингловчиларни қайта ўқитишга ва касбга тайёрлашга ихтисослашган "Муҳандислар мактаби" бундан қисқа муддатларда фойдаланишга топширилади.

Бугунги кунда комбинат таркибий бўлинмаларига, барча ижтимоий соҳа объектларига қуввати 9 МВт бўлган қуёш фотоэлектр панеллари ўрнатилган. Наманган вилоятининг Поп туманида қуввати 1000 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станцияси қуриш бундан ҳам амалга оширилмоқда.

Жамоамиз тақдиримизда белгиланган барча вазифаларни яқинлик билан бажаришга киришди. Зеро, улар ижроси мамлакатимиз иқтисодиёти ривожини, халқимиз фаровонлигини хизмат қилади.

Инсон қадрини учун

ҲАЁТ БИР КУН, ЎША КУН БУГУН!



Бобуржон ЙЎЛДОШЕВ, Марҳамат тумани ҳокими

Марҳамат туманидаги 48 та маҳалла фуқаролар йиғинида 185 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Ҳар бир ҳудуд, ҳар бир оиланинг ўзига хос яшаш тарзи ва ҳаёт амаллари бор. Кейинги беш йилда аҳоли кундалик ҳаёт тарзини учун муҳим бўлган кўплаб ижтимоий ва иқтисодий масалалар ечимига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Гапнинг рости, авваллари одамлар билан учрашиш, мулоқот қилишдан ўзимизни олиб қочганмиз. Чунки ишсизлик, йўл, сув, электр, газ таъминоти билан боғлиқ кўплаб масалалар уларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлган эди. Энди бу борадаги иш амаллари ўзгарди.

ча шароит ва имкониятлар яратиб берилди. Энди қўл қовуштириб ўтиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Марҳамат туманидан Жанубий Фарғона канали оқиб ўтади. Ярим асрдирки, ундан фақат экин-тикинни сугориш билан чекланганимиз. Муқобил энергиядан фойдаланиш, "яшил" иқтисодиётни ривожлантириш, қўлаб-қувватлашга қаратилган ислохотлар туманимизда ҳам бундан қўрсатмоқда. Бу мақсадлар учун жами 14,4 миллион доллар хорижий инвестиция ўзлаштирилиши ҳисобига "Mingtera gidroenergiya" МЧЖ томонидан "Оқбос" МФЙ 1 МВтли, "Роҳат" МФЙда 4,5 МВтли, "Полвонтош" МФЙда "Zhejiang Jinlun Electromechanic Ltd" сазъ-ҳаракати билан 2 МВтли мисини ГЭСлар қурилиши жадаллик билан олиб боришмоқда. Бу бир лойиҳани ўзидан тумандан 36 мингдан ортиқ хонадонни муқобил энергия билан таъминлаш имкониятини беради.

Қирғизистоннинг Ўш вилояти билан боғлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган Мингтепа божхона чегара пости узоқ йиллик танаффусдан сўнг замонавий мезонлар асосида фаолиятини бошлади. У орқали бир кунда икки мингдан зиёд фуқаро, 200 дан ортиқ

автотранспорт воситаси ҳаракатланади. Бу икки давлат ўртасида ўзара борди-келди, савдо-сотик, саёҳат туризми учун янги имкониятлар яратди.

Қишлоққа саноатни олиб кириш, ишлаб чиқариш тармоқларига инвестиция жалб этиш, оилавий тадбиркорлик, хунармандлик, кичик бизнес, томорқачиликни ривожлантириш орқали ички ва ташқи бозорга хариддор-гир маҳсулотлар етказиб бериш, йилдан-йилга нуфусин ўсиб келаётган аҳолига муносиб ижтимоий-иқтисодий шароитлар яратиш бугунги куннинг муҳим амалларидан.

Кейинги беш йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, хизматлар, қурилиш, қишлоқ хўжалигини йўналишларидаги ислохотлар натижасида экспорт ҳажми тўрт қарра, хорижий инвестиция жалб этиш саккиз баробар кўпайди. Айни кунда Ипак ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси билан "Sunshine partners LLC" ўзбек-япон қўшма корхонаси ва Испаниянинг "SILKTRACO" компанияси ҳамкорлигида 18 миллион долларлик лойиҳаларни амалга ошириш бундан ҳам олиб боришмоқда. 2024 йил якунига қадар бу йўналишда 68,5 миллион долларлик хорижий



инвестиция жалб қилинади. Натижада саноат тармоқдаги ўн иш суръати эллик фоизга етди. 1 триллон 106 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Паст қувватда ишлаётган 15 та саноат корхонаси фаолиятини соғломлаштириш чоралари қўрилиб, қувватларини ошириш мақсадида 82 миллиард сўмлик 11 та лойиҳа ишга туширилади. Бу тўққизчилик, тоғ-кон, озиқ-овқат, кийим-кечак, электр жиҳозлари, машинасозлик ва эҳтиёт қисмлар, қурилиш материаллари ва мебелчилик йўналишларида 40,6 миллион долларлик экспортни амалга ошириш орқали 8,9 миллион доллар импортни қисқартириш имконини беради.

Бугунги куннинг муҳим масалаларидан бири — ишсизликни қисқартириш. Ўтган

йил бошида ишсизлар 7 минг нафар, ишсизлик даражаси эса 9 фоизни ташкил этган эди. Йил сарҳисобига кўра, 30 минг 232 киши доимий, вақтинчалик ва мавсумий ишларга банд қилинди. Шундай экан, неча ёшларимиз ўзга юртларга бориб ишлаш керак?

"Пахтакор" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан "Irap ko'chat klaster" фермер хўжалиги 30 гектар майдонда серхосил тут кўчатлари етиштириш билан шуғулланиб келади. Фермер хўжалиги томонидан 2024-2029 йиллар давомида Қозғистоннинг "Қазак жибеки" уюмисига қиймати 31,2 миллион долларлик 80 миллион тут кўчати етказиб берилади. Жорий йилда 2,5 миллион долларлик 6,5 миллион тут кўчати экспорт қилинади. Бундан ташқари, Грузия, Озарбайжон, Тожикистонга ҳам 10 миллион тут кўчати етказиб бериш бундан музокаралар ўтказилмоқда. Тут плантацияси, пилла етиштириш, сунъий озук ва ипак момиги ишлаб чиқариш йўлга қўйилади ва қўртхоналар ташкил этилади. Лойиҳа 3 босқичда амалга оширилади. Йилга 225 тонна пилла хомашеси етиштирилиб, 75 тонна хом ипак ишлаб чиқарилади, 5,4 миллион долларлик маҳсулотни экспорт қилиш имкони яратилади ҳамда 150 та доимий ва 811 та мавсумий иш ўрни очилади.

Кейинги йилларда масофавий логистика хизматлари кўрсатувчи марказлар фаолияти кенгайтириб боришмоқда. Бу ерда ишлаётган 200 нафарга яқин ёш 5000 долларгача маош оляпти. Бунинг ҳисобига мазкур тармоқларда ишлаш истагида инглиз тилини ўрганмоқчи бўлган ёшлар сонини кескин ошириб кетгани боис, Канада, Швеция ҳамда АҚШдан малакали ўқитувчилар жалб этилди. Биргина инглиз тилини ўргатувчи ўқув марказлари сонини 15 тага етди, инглиз тилини ўрганувчи ўқувчилар сонини 15 мингдан ошди. 2020 йилда тумандаги 48 та МФЙдаги инглиз тили ўргатувчи ёшларимиз 4-5 нафарни ташкил этган

бўлса, бугунги кунда ҳар бир ҳудудда 40-50 нафардан ортиқ ёш тил ўрганмоқда. Бунинг натижасида 780 нафар йигит-қиз IELTS сертификатини олди. Ҳозирги кунда ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида умумий қиймати 8,7 миллион долларлик 2 та логистика марказини ташкил этиш орқали 680 та ишчи ўрни яратилади. Бунинг ҳисобига йилга 7 миллион долларлик хизмат экспорти амалга оширилади. Логистика марказларида робототехника ва дастурлаш бундан малакали кадрлар тайёрлаш академияси ташкил этилади.

Марҳамат туманида 2 миллион тонна базальт хомашеси мавжуд. Бу хомашёлардан ҳозирга қадар фойдаланмай келинган. Энди маҳаллий ташаббускор "Javohir avto invest" ҳамда Россиянинг Нижегород шаҳридаги "ДробМаш" корхонаси билан умумий қиймати 20,4 миллион долларлик лойиҳа асосида базальт тошдан йилга 45 минг тонна арматура ва базальт плита ишлаб чиқариш бундан келишувга эришилди. Лойиҳа амалга оширилиши натижасида 110 миллиард сўмлик қўшимча саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади, 300 та иш ўрни яратилади.

Туманда интенсив боғлар, насли чорва, паррандачилик, аҳоли томорқасидан унумли фойдаланиш, иссиқхона хўжаликларини ривожлантиришга ўзига хос ислохотлар амалга ошириляпти, янги ташаббуслар қўлаб-қувватланапти. Тош устида тул ундириб, элга риж-набиса улашаётган соҳибдорлар кўп.

"Миришкор" маҳалла фуқаролар йиғинида "Аср умиди" МЧЖ томонидан 7,5 гектар майдонда 2,2 миллион долларлик Агрологистика маркази ташкил этилиши ҳисобига 250 та доимий ҳамда кооперация асосида 2200 та иш ўрни очилади. 16 та маҳалла фуқаролар йиғини уюмчиликка ихтисослаштирилган бўлиб, 12 мингга яқин хонадон уюмчилик билан шуғулланиб келади. Айни кунда "Ҳар бир кун — имконият, ҳар бир кун — келажак учун пойдевор" ёқиси асосида аҳоли хонадонларида баҳорги экан-тикин ишларига эътибор қаратилмоқда.

Аҳоли турмуш тарзини учун муҳим бўлган йўл, сув тармоқлари тортиш борасидаги ишлар ҳажми ҳам кескин ошди. Тор, ўнқир-чўнқир, қишда лой, ёзда чанг кўчалар ўрнида текис ва равон йўллар қурилди. Асрлар давомида сув етиб бормаган маҳалла ва хонадонлар сув билан таъминланди. Шу кунга қадар 96,2 километр ичимлик суви тармоғи тортилди, 17 та сув кудуги таъмирланиши ҳисобига тоза ичимлик суви билан қамров 84,6 фоизга етди. Барча манбалар ҳисобидан умумийфойдаланувчи 15,5 километр ҳамда 154,8 километр ички йўл асфальтланди, 17,5 километрга шағал ётқизилди.

Бу рақамлар, амалга оширилган ибратли ишларни бежиз санаб ўтганим йўқ. Ислохотларнинг ижросилари, ташаббускорлари ҳам марҳаматликлар. Улар кўнга ибрат, намуна бўлиб меҳнат қилляпти, изланяпти.

Аслида, шунинг ўзи катта жасорат, ватанпарварлик намунасидир. Чунки ватанпарварлик кўчада байроқ кўтариб юриш, дегани эмас. Ҳамма ўз юртини севса, кимгадир юк бўлиб эмас, балки яратиб берилган имконият ва имтиёزلардан фойдаланиб, ўқиб-ўрганиб, изланишдан тўхтамаслигини, фидойилик билан меҳнат қилишини ҳам ҳаққий ватанпарварлик намоийи эмасми?



УШБУ QR-КОД ОРҚАЛИ ВИДЕОГА ЎТИНГ.

Шероф Қоробоев олован суратлари.

Орамиздаги одамлар

Ахмадали Асқаров: Археологик объектларни безавол сақлаш ва музейга айлантириш вазифаси қўйилган, аммо нечун сусткашлик?..

Тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Ахмадали Асқаровни нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам яхши билишадди. Бир кам тўқсонни қоралаган бу инсоннинг умри археологик экспедицияларда ўтди. Хозиргача янги объектларни очишда қатнашди. Асосий фаолияти Марказий Осиёда сақланиб қолган моддий-маданият ёдгорликларини очиш ва уларда археологик тадқиқотлар ўтказиш йўли билан Ўзбекистон халқлари тарихини ўрганишга бағишланган. 20 дан ортиқ монография, 600 дан зиёд илмий мақола, 1 та дарслик ва 8 та ўқув-методик қўлланма муаллифи. Илмий ишларининг кўпи дунёнинг турли давлатларида чоп этилган.

Олим билан суҳбатлашиш учун хонадонига борганимизда ҳам китоб мутлоаси устида учратдик. Кўринишидан анча тегик, басавлат бу одам китобни кўзойнакис ўқийётган эди. Аёли атрофни тартибга солиш билан машғул. Онахоннинг ҳаракатлари ҳам чаққонгина. Киришдан уларга ҳавас қилдик: бизни ҳам шу ёшларга етказсин!



Мен ва фотомухбирни самимий қарши оларкан, қаҳрамонимиз кўлидаги китобга ишора қилиб, тарихий роман экани, яқинда чоп этилгани, муаллиф уларга илк ўқувчилардан бири сифатида соғға қилиб, фикр билдиришини сўраганини айтди. Асар бу инсонга жуда маъқул келибди, тарбиявий аҳамияти катта эканини таъкидлади. Китоб мазмунини ҳақиқат ҳам мулоҳаза билдирди. Шундан сўнг суҳбатга киришдик. Ахмадали аканинг ўзи айтганидек, эслаб қолиш қобилияти ўта яхши экан. Нутқи ҳам раво бўлгани учун тинглаш жуда маъқул бўлди. Аслида, археологларнинг фаолияти доим ҳам шундай қизиқ бўлса керак. Архивнинг ўзгинаси бўлган бу одам билан гаплашиб, ўтган асрнинг мустақилликкача бўлган даври ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар олдик. Ҳар бир ҳикоясини жон қўлогимиз билан тингладик. Ҳикоя деб атаётганимиз, аслида, бир инсоннинг бутун умри, бошдан кечирганлари, салкам 90 йиллик тарих.

берди. Хотирам кучли бўлгани учун рус тилидан баён ёзиши имтиҳонини яхши топширдим, лекин озакидан ўта олмадим. Ўқишга қабул қилинмаганимдан хафа бўлиб кетаётди, ўша кунни давлат имтиҳонлари бўйича масъул сарқотибни учратиш қолдим. У Шайхонтоҳур туманида янги юридик институт очилгани, унга мени қабул қилишлари мумкинлигини айтди. Қишлоққа қайтишга орим йўл бермади ва ўша ўқишга бориб, қабул қилиндим. Бир ой ўқиганимиздан кейин талабаларни пахтага жўнатадиган бўлди. Мен кишлоғимга бордим. Ота-онамга юридик институтга кирганимни айтдим. Шунда онам бу нима эканини сўради. Мен содда эса у ерда судья, прокурор бўлиб чиқишимни, одамларни суд қилиб чиқишимни айтдим. Буни эшитган онам ваҳима ва йиғига тушди: “Сен энди одамларни суд қилиб, жиноятчи-га чиқарадиган бўласанми”, деди. Гап шундаки, ўша пайтда отамнинг кенжа укаси молиячи бўлгани учун яқинларининг гапига кириб, 1947 йилда пул алмаштиришда ноқонуний ишга қўл ургани ортдан 12 йилга қамалиб кетган эди. Амаким бизнинг уйда тарбиялангани боис, бу ҳолат онамга қаттиқ таъсир қилган. Шунинг учун менинг юрист бўлишимга қаршилик қилди ва ўқимайсан, деб туриб олди. Онамининг гапини икки қила олмадим — ўқишга қайтиб бормадим. Бир йил қишлоқда қолиб кетдим.

Салкам 70 йилдан буён бирга, ёнма-ён

Ҳар не бўлса яхшиликка, деб бежиз айтишмайди. Онанинг сўзини ерда қолдирмаган Ахмадали келаси йили яна Тошкентга келиб, Низомий номидаги педагогика институтига ҳужжат топширди ва тарих факультетига ўқишга кирди. 1957 йилда ўқишни аёло баҳолар билан тамомалади. Талабалари йилларида билимга чанқоқ, ақли бу йилгит устозларининг эътиборига тушганди. Фанлар академиясининг ўша вақтдаги президенти Ҳабиб Абдуллаев ҳар йили Москвага бориб, ўзбек йилгит-қизларининг марказий шаҳарларда аспирантурада ўқиши учун 150-200 тагача ўрин олиб келарди. Йўлангани кўлга киритилган орасида Ахмадали Асқаров ҳам бор эди. Уни Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтига археология фанидан ўқитган устози Яхё Ғуломов тавсия қилди. Ахмадали йўлангани олади, аммо аспирантурага кирмасдан, қишлоқда — ота-онасининг олдига қайтди.



— Қишлоққа бориб, мактабда болаларга тарих фанидан дарс бера бошладим, — дейди А.Асқаров. — Орада тўйим бўладиган бўлди. Узим 21 ёш, танлаган қизим 17 ёш эди. Қонунчиликка кўра, вояга етмаган қизга уйланиш тақиқланган экан, биз бундан беҳабар тўйни бошлаб юбордик. Тўй кунни тегишли ташкилотлар келиб, маросимни тўхтатди, ўзимни қамоққа олмоқчи бўлишди. Лекин ҳамма менинг ўта меҳнатқашлигим, кунига 300-350 килогача пахта теришимни биларди. Талабалик давримда ҳам, мактабда ишлаб юрганымда ҳам илгор теримчилар қаторида бўлганман. Қамалмаслик учун ўзимни теримга чиқаришларини сўрадим. Шунда энг орқада қолган бригадандан 7 гектар ер беришди. Аламимдан тинимсиз пахта терардим. Далада бир хона ажратилган, ўша ерда ётардим. Бир ойда қўлларим қавариб, панжаларим шишиб кетди. Менинг пахта теришим бутун республикага ёйилди, ҳар томондан журналистлар келди. Мен ҳақиқатда мақолаларни ўқиган Наманган вилояти раҳбари олий маълумотли эканимни кўриб, пахта майдонига келди. Мен билан суҳбатлашиб, тўй ўтказишга руҳсат қоғози тайёрлаб берди. Шундай қилиб, 14 ноябрь кунни тўйимиз бўлди. Салкам 70 йилдан буён кўз очиб кўрган аёл билан аҳил-иноқ яшаб келяпмиз. 4 ўғил, 1 қизин тарбиялаб, вояга етказдик. Ҳаммаси ўзи танлаган касбдан кетди ва бунга асло қаршилик қилмади. Бир этак набира, эвараларимиз бор, Аллоҳга шукр.

Ахмадали аканинг турмуш ўртоғи Муборак ая 84 ёшда, касби тарих ўқитувчиси. Тўртинчи фарзанди дунёга келтирилган кейин тарих йўналишида тахсил олган экан. Бир мuddат Самарқанддаги археология институтига, кейин 10 йил мактабда тарих фанидан дарс берган. Тошкентга кўчиб келганларидан кейин ҳам икки йил ишлаб, сўнг нафақага чиққан.

Ўшанда 50-йилларнинг боши эди. Қишлоғимизда бир қурувчи бўларди. Шу одам ўқишга кетишим учун пул кераклигини биларди. Бир кунни менга ярим гектар шолизорни ўт-ўландан тозалаш эвазига пул таклиф қилиб, кунига 10 рублдан тўлашини айтди. Ўша даврда бу катта пул эди. Мен рози бўлдим ва ишни 10 кунда битириш эвазига 100 рубль тўлашига келишдик.

Ўз фарзандларидек қабул қилди

Хўш, Ахмадали аканинг археолог сифатидаги фаолияти қачон бошланган? У аспирантурада ўқидим, йўқ? Бу саволлар газет-хонларимиз каби мени ҳам қизиқтирарди. Қаҳрамонимиз эса шоямасдан давом этди. — Мактабда ўқитувчи бўлиб юрганымда мени Норин тумани партия ташкилотининг биринчи котиби қашқир, райкомнинг тарғибот бўлимида ишга таклиф қилди. Бунинг учун Тошкентга бир ойлик курсга юборишди, — дейди А.Асқаров. — Борсам, бари институтда менга дарс берган домалар. Бир ой ўша ерда ўқидим. Бир кунни зерикиб, дарсдан кейин шаҳар айланиш учун 10-трамвайга чиқдим. Қарасам, академик Яхё Ғуломов ҳам ўтирибди. Ўша вақтда Фанлар академиясида тарих ва археология институтини директори экан. Мени кўриши билан бу ерда нима қилиб юрганми, мени излашгани, аспирантурага ўқишга боришим кераклигини айтди. Мен тарғиботчи бўлмоқчи эканимни айтганимни биланам, жаҳл билан қўлимдан судраб тушиб, тўғри институтга олиб борди. Ҳужжатларимни топшириб, имтиҳонлардан ўтдим ва аспирантурада қабул қилиндим. Бу орада Норин тумани ҳарбий бўлими мени ҳарбий хизматга олиб кетмоқчи бўлди, аммо вилоят ҳарбий комиссариати йўланганимни кўриб, мени хизматдан озод этди.

Шундай қилиб, аспирантурада ўқиш учун Ленинградга йўл олдик. У ерда биз аспирантларни илмий раҳбарларга бириктиришди. Менга Михаил Грязнов деган археолог олим илмий раҳбар бўлди. Домла ўша кунгидея йига олиб кетди. Аёли билан яшаркан, иккиси ҳам машҳур археолог, илмга берилган одамлар. Қўлида 20 дан ортиқ шоғирди бўлса-да, ўта тиришқоқлигим ва илмга чанқоқлигимни сезиб, фақат мени ёнида олиб юрарди. Камгарлигим ё йўқчилигим, ишқилиб 40 тача оила бир дарвозадан кириб-чиқадиган уйда яшашиди. Эр-хотин археологларга



биттагина хона берилган, унинг ҳам ичи тўла китоб. Елғиз фарзандлари бўлиб, у ҳам жой йўқлигидан Қозғистонда яшаркан. Шу кичкинагина хонанинг китоб жавонлари орасидан бир бурчакни менга ажратишди, ўз фарзандларидек қабул қилишди. Улар менга ҳам рус тили, ҳам археологияни ўргатди. Барча экспедицияларига олиб борарди. Эр-хотин ўзига алоҳида, менга алоҳида палатка тиккарди. Илмий ишим мавзуси Бухоро воҳаси билан боғлиқ бўлгани учун бу ердаги экспедицияларимга ҳам келишарди. Ана шу инсонлардан археология сирларини ўргандим.

1962 йили Красноярск ГЭС қурилиши муносабати билан археологик экспедиция ташкил этилди. Унга домла Михаил Петрович бош бўлди ва Марказий Осиё бўйича битта мени ўзи билан олиб кетди. Вазифамиз ГЭС қурилишидан олдин ҳудудни ўрганиб, майдонни бўшатиб бериш эди. У вақтда ҳар қандай қурилиш археолог руҳсати билангина бошланиши шарт бўлган. Битта объектни мен ўрганидиган бўлдим. Қўлимда 40 дан ортиқ киши ишлайди. Объектда туркий-забон аждодларимизнинг Андраснов маданиятига тегишли қабрлари бор экан. Қабрлардан бири баландроқ ва устидея плита тошлари бутунлигидан унинг қабили сардори қабри эканини билдим. Қизиги, бу қабр ўғрилланмаган эди. Гап шундаки, ўша вақтларда қабр ўғрилари бўлган ва камдан-кам қабр бутунлигича сақланган. Сардорнинг қабри бус-бутун эди. Шовшув бўлмастлиги, ўғриллар кўпаймаслиги учун қабри ҳимоялаб, тегишли ташкилотга хабар бердим. Улар 4 кун дағанда етиб келди ва объектни очдик. Салкам 5 квадрат метр майдон ўртасида эркак киши қабри, унинг атрофи тўла қимматбах ойлликлар эди. Қабр бундан 3,5 минг йил олдин қазилган ва қабили сардори унга бутун бойликлари билан кўмилган. Қабрдан чиққан барча нарсаларни икки кунда йиғиб олдик ва улар 4 қути бўлди. Хомашё сифатида расмийлаштирилиб, қоидага кўра, белгиланган сумманинг 20 фоизи менга берилди. Бу ўша вақтда 5 минг рубль эди.

Дунё тан олган топилма

Ўқишдан қайтгач, Ахмадали Асқаров турли лавозимларда ишлади, кўпчиликнинг эътиборига тушди. 1970 йили Самарқандда археология институтини ташкил этиладиган бўлди. Институт очилишига руҳсат олиш учун Ахмадали 6 ой Москвада юриб, ўнлаб экспертлар розилигини олади. Ўша пайтда собиқ иттифок бўйича атиги иккита Археология институтини бўлган, холос. Учинчиси эса Самарқандда ташкил этилди. Бунга археолог Ахмадали Асқаровнинг Сополтепада очган катта кашфиёти ҳам сабаб бўлган.

— Ўша кезлари илмий ишим доирасида Сополтепа ёдгорлигини ўрганишимиз ва бундан 4 минг йил бурунги шаҳар маданияти намуналари, санъат асарларини топишга мурваффақ бўлдик, — дейди археолог олим. — Биз топган турли сопол идишлар чинидек сифатли эди. Бунинг устига шундай енгиллик, чертса жаранглайди. Унга қадар шаҳарозолик маданиятини Ўзбекистонга Ахамонийлар ва Искандар Зулқарнайн олиб кирган, ўзбек халқи чорвадор, чўпон бўлгани боис, маданиятсиз эди, деб келинган. Бизнинг кашфиёти миз эса барча фаразларни ўзгартириб юборди. Тўрт йил давомида объектни тўлиқ очдик. У ерда пахтачилик, ипакчиликни аждодларимиз бундан 4 минг йил аввал қилган эканини аниқландик. Ўзбеклар 4 минг йил олдин пахта эккан, ипак матолар Хитойдан олдин бизда ишлаб чиқарилган экан. Буни ипак қиймига ўралган одамларнинг қабрлари исботлади. Сополтепада жами 138 та қабр очдик ва уларнинг бари уларнинг остига кўмилган эди. У вақтлари маҳаллий аҳоли одатига кўра, ўлган киши ҳаётлигида нима билан шуғулланган бўлса, барча асбоб-ускунаси билан қўшиб кўмилган. Одамлар нариги дунёда ҳам шу иши билан шуғуллангани, деган тасаввур

бўлган-да. Қабрлардан чиққан мато, ускуналарга қараб ўша одамнинг деҳқон, дурадгор, тўқувчи, заргар, темирчи, доя ёки бошқа касб эгаси эканини билиш мумкин. Бойлар эса бутун бисоти, энг кенжа аёли, қанзаги ва бойликлари билан қўшиб кўмилган. Буларнинг бари ҳақиқий этнография. Фаолиятим давомида 10 мингдан ортиқ шундай қабрларни очганман.

Ана шу кашфиёт Самарқандда археология институтини очилишига сабаб бўлди. Ахмадали Асқаров эса унга 1987 йилга қадар директорлик қилди. Кейин республика раҳбарияти Тошкентга чакриб, Фанлар академиясини президенти бўлиб қашқир, райкомнинг тарғибот бўлими бошқарушини топширди. Устоз эса археологик фаолиятини янада фаол давом эттирди.

Олимнинг энг катта ишларидан бири Сурхондарёдаги Жарқўтон ёдгорлигидан топилган 100 гектарлик қадимий шаҳар ва бронза даврига оид ибодатхона харобаларидир. Бу Ўзбекистон заминидан топилган зардуштийлик динига оид биринчи ибодатхона эди.

— Қадимий шаҳарчининг бир гектардан ортиқ майдонда монументал ибодатхонани очдик, — дейди олим. — У ерда Зардуштийликка оид оловга, тупроққа, сувга



сигнифанти ҳаммаси моддий материалларда ўз аксини топганди. Унга қадар жаҳонда зардуштийлик бундан 2,5 минг йил олдин илк темир даврида пайдо бўлган деб ҳисобланарди. Мен эса топилмаларим билан зардуштийликнинг анча аввал — бронза даврида юртимиз ҳудудида пайдо бўлганини исботлаб бердим. Буни дунё олимлари тан олди ва ЮНЕСКО Авесто юбилейини юртимизда ўтказиш ҳуқуқини берди. Бунга қарши чиққан мамлакатлар ҳам бўлди. Мен ўша давлатларга ҳам бориб, дунё олимларига илмий асослаб бердим.

Археологик объектларни музейларга айлантириш нега кечикяпти?

Умрини илм-фанга, унинг бирор соҳасига фидо қилган инсон ўша соҳанинг ривожини учун ҳам қайғуриши табиий. Айни пайтда табиий археологик уйлантираётган, ташвишга солаётган масалалар бор. Бу юртимиздаги археологик объектларни сақлаб қолиш ва очиқ осмон остидаги музейларга айлантириб, келажак авлодларга етказиш билан боғлиқ. Бу борада давлатимиз раҳбарининг топшириқлари, тегишли қарорлари ҳам қабул қилинган. Аммо иш чўзилаётгани олимни ўйлантирмайди.

А.Асқаров. — Мустақиллик йилларининг бошида ҳам бу насага деярли эътибор берилмади. Масалан, мен Археология институтига директор этиб сайланган давримда Ўзбекистонда 15 мингта археологик объект бор эди, ҳозир 4,5 мингта қолибди. Кўпи бузилиб кетган, ер майдонлари ўзлаштириб юборилган, ўрнига иморатлар қурилган. Объектлар атрофидеяги ҳимоя зоналарида ҳам одамлар ўзбошимчалик билан қурилишлар қилиб ташлашди. Тошкент шаҳри ҳудудида 50 та Оқтепа бўлган, ҳозир шундан 4-5 таси қолган, холос. Шоптепа объекти ҳам абор аҳволда. Улардан топилган меъморий қуриilmалар йўқ бўлиб кетяпти. Ана шуларни сақлаб қолиш, Президентимиз топшириғи билан айлтиган музейларни ташкил этиш керак. Давлатимиз раҳбари бу масалага жуда катта эътибор қаратмоқда, олимларни тўплаб, объектларни музейга айлантириш вазифасини қўймоқда, топилмалар йўқ бўлиб кетмасин, сақлайлик, деяпти. Лекин амалда айрим масъуллар сусткашлик қилаётгани кишини ҳайрон қолдиради.

Маданий мерос агентлиғи томонидан 18 та археологик объектни музейга айлантириш белгиланганига 3 йилдан ошяпти. Лекин бирортаси ҳалигача музейга айлантирилмади. Ана шу объектлардан биринчиси қадимий Ахсенкент шаҳри ва Норин туманидаги Учтепа қишлоғидан топилган қадимги Хайлам шаҳри зардуштийлик ибодатхонасидир. Учтепа қишлоғининг ўрнида қадимда Хайлам шаҳри бўлган. Хайлам икки дарё — Қорадарё ва Нориндарё ўртасидаги ҳозирги Норин, Учқўрғон, Уйчи, Наманган тумани ҳамада Андижоннинг Ызбоскан тумани ҳудудида жойлашган музофотнинг пойтахти ҳисобланган. Шу ердаги зардуштийлик ибодатхонасидан нақ 70 та оташкада топилиди. Бунақа кўламидек дунё миқёсида ҳам ҳали-ҳамон йўқ. Ҳа, қўлга киритган манбаларимизнинг илмий қиммати ва аҳамияти беқийёс.

Ана шу объектни музейга айлантириш ишлари бошланган, лекин айрим сабабларга даврига оид ибодатхона харобаларидир. Бу Ўзбекистон заминидан топилган зардуштийлик динига оид биринчи ибодатхона эди.

— Қадимий шаҳарчининг бир гектардан ортиқ майдонда монументал ибодатхонани очдик, — дейди олим. — У ерда Зардуштийликка оид оловга, тупроққа, сувга



Энди бу ерда бир маромдаги ҳароратни таъминлаб берадиган муҳит яратиш зарур. Бунинг учун мажмуани кишин-ёзини 22 даража ҳарорат билан таъминлайдиган махсус қопламалар талаб этилади.

Бу ишларга пул ажратилапти, лекин жойига етиб бормаётган. Археолог сифатида шуларни йўлга қайғураман. Ҳар бир тепалик тағи ҳазина, уларда жуда катта тарих ётибди. Ўзбекистонда ҳозирнинг ўзида 100 дан ортиқ шундай объектлар бор, уларнинг рўйхатини берганман. Агар шуларни музейга айлантирсак, сайёҳлар оқими ҳам кескин ортади. Асосини, археологик объектларни сақлаб қолишимиз, келажак авлодга етказишимиз керак.

Ахмадали ака ҳозир ҳам археологик экспедициялар олиб бормоқда. Объектларнинг бири Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги Суворилтепа бўлса, иккинчиси Олмалик шаҳридан 12 километр шимол-шарқда жойлашган Тункат ёдгорлиғидир. Уларда ҳам сўнгги антик даврдан то сомонийлар ва қораконийлар даврига оид қадимий ёдгорликлар топилган. Тадқиқот ишлари эса давом этмоқда.

Домланинг айтир гаплари кўп. Лекин у кишини кўп уринтириб қўймастик учун юртимиз тарихи, қадимий обидалари, умуман, маданиятимизнинг энг қадимий намуналарини излаб топиш, илмий истифодага киритиш ва жаҳон миқёсида тарғиб этиш ишларида ҳамон толмай меҳнат қилаётган олимга саломатлик тилаб, хайрлашдик.

Мулоҳаза

Ўзлик иморати мустаҳкам бўлсин!

Одам ўзини жамласа, бир қўшин бўлади, деган гап бор. Бунда тафаккур эркинлигининг ўзаги бўлмиш ақл-идрок устуворлиги ва мулоҳаза-мушоҳада қўлами барқарорлиги, ошкоралигини таъминлаш, фикрлаш тарзини муайян даражада мукаммаллаштириш муҳимдир. Шундагина фикрлаётган одам — яшаётган одам муқобили параллел чиқиқларда уйғунлашади. Дунёда тажовузкорлик довули кучаяётган, миллий тотувликка раҳна солаётган ёвуз кучлар қўланкаси изғиётган жараёнда хушёрлик ва огоҳлик ҳар бир киши учун ҳаводан нафас олиш билан тенг эканини англамоқ лозим.

Бугун маънавий-маърифий тарғиботлар шунчаки тарғиботбозликдан, пиарчиликдан мутлақ холи бўлиши керак. Шу ўринда, китобхонлик рақамбозликдан иборат бўлмай, китобхонда ўзлик иморатини қуришга арзийдиган китобларни чоп қилиш ва унинг тарғиботига доир тадбирларни фикр-мулоҳазалар билан бойитиш тарзида ташкил этиш лозим. Чунки қалбда ватанпарварлик туйғуси, миллат қадр-қиммати, миллий анъаналарнинг гўзал намуналари, мардлик ва жасурлик тамойиллари чуқур илдири отган авлод учун саодат ва садоқат маъғи бўлмоғи шарт. Мутафаккирлардан бири бундай деган экан: “Ватанпарвар — ватани камолоти йўлида халқига муҳаббати туйғули моли, куч-ғайрати тугул, жонини ҳам аямайдиган, халқи ва ватаннинг озодлиги, фаровонлиги учун бор-будини фидо қилувчи инсондир”. Бундай ватанпарварлар бор юрт эса доимо тинч, осмони мусатфо, халқи аҳил, ризқи мўл, ҳаёти эса фаровон бўлади. Албатта, миллат фарзандларини комил инсон қилиб тарбиялаш жараёнида ватанпарварлик туйғуси шаклланади.



Ўроз ҲАЙДАР, шоир

Ҳар кун ахборотларда оловли урушлар туйғули минг-минглаб одамларнинг ёстиғи қуриётганини эшитганимизда юракларни ваҳима хуружи чангаллайди. Ойланг ичбил дастурхон атрофида тинчгина чой ичиб ўтирганинг энг катта бойлик эканини тушунасан. Ёвузлик, разиллик миллатлар ўртасига нафақат парокандалик солади, балки қасоскорликка рағбат ҳам уйғотади. Интернет тармоқларидаги айрим ахборот порталлари бир ёқлама тарғибот хуружи билан онги шаклланмаган, “кўча” гапига учувчи ёшларни чалғитгаётгани кечирилмас ҳолдир.

Собиқ шўро ҳукумати парчаланганда, мустақилликнинг илк йилларида атоқли ёзувчи Чингиз Айтматов барчамизни огоҳлантирган эди: “Ҳамма бало шундаки, дастлаб демократияни бошбошқоқлик деб тушундик. Бўлмасам-чи, ҳар ким ўзига хон, ўзига бек, ҳар ким ўзи тусегани ишини қилди. Кўнгил эса нималарни тусамайди?! Хўш, кўзимизни қоплаган ёғни артиб, мундоқ қарасак... нималарни кўрдик? Йўқ, биринчи навбатда, демократия — қаттиқ тартиб-интизом. У ўзига хос мезонларга, чек-чексизга эга бўлиши керак.

Содда бир мисол. Оила — давлатнинг митти қўрғони, бирламчи бўғини. Унда ҳам бошлик бўлади, ўринбосар бўлади, оддий ижрокчилар бўлади. Агар демократияни пеш қилиб, келин қайнонасига гап қайтарса, ўғил эса онасига ўшқираверса?! Маданиятдан, маънавиятдан мусово бўлган, тинч-тотувлик ўрнига нифоқ ва мусибат келтирадиган бундай демократия кимга керак?!”



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти ДМ
Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ
МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси
Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz; (71) 233-47-05

Таҳлил минбари

Жонибек АЛИЖОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



Бугун кун давомида ҳеч бўлмаса бир марта янгилик ўқимайдиган ёки эшитмайдиган одам топилмаса керак. Кўпчилигимиз тонгда уйғонишимиз билан телефонимизни олиб, турли платформалардан янгиликлар ўқишни бошлаймиз. Яъни ақсариятимизда “янгиликларга қарамлик” эрта тонгданоқ бошланади. Қизиғи, буни режа асосида қилмаймиз, балки ҳаммаси табиий жараён — ақлимиздаги янгиликларга эҳтиёждан.



ХАБАРХЎРАНДАЛИК
Биз қандай ахборот истеъмол қиляпмиз?

Тўғри, янгиликлардан хабардор бўлиш, уларга муносабат билдириш ҳам инсоннинг демократик ҳуқуқларидан бири, бироқ танганинг иккинчи томонида айнан хабар-янгиликлар орқали инсон психологиясига таъсир қилиш миссияси ҳамда номаълум тарғиботлар туришини ҳам ёддан кўтармаслик керак, назаримизда. Зеро, ҳар доим ҳам онгостини ақл билан бошқариб бўлмайди.

Келинг, кичик-кичик таҳлиллар қилиб кўрамиз. Масалан, этиқдўз ҳар кун устахонасига келади, кун давомида тури янгиликларни ўқийди ёки эшитади. Кеча эшитган хабари бугун унга қизиқ эмас, сабаби, тафаккурда янгиликка бўлган эҳтиёж янгисини талаб қилади. Бироқ кундалик юмуши доим бир хил — буюртма қабул қилиш ҳамда бажариш. Аксарият ҳолда ўз фаолиятига янгилик киритиш ҳақида умуман бош қотирмайди, негаки, унинг онгидаги янгиликка бўлган тугма ўчилиш шунчаки хабарлар орқали қопланади. Бу — шахсий фожиа.

Кунларнинг бирида ҳаммаси билан тушлик қилиб ўтирар эканмиз, у бир шов-шувувиқ янгиликнинг “учини чиқариб”, интернетда тарқалганини айтиди. Менда безовталик бошланди — нега эртабадан буён шунча хабар ўқиб, айнан уни кўрмадим? Ёки эътиборсизлик қилдимми? Ишонасизми, шу янгиликни ўқимганимдан ўзимни айбдор ҳам ҳис қила бошладим. Ҳа, айнан айбдор ҳис қилдим ўзимни! Ахир бу янгиликнинг ишимга ҳам, ҳаётимга ҳам, қўйингиз, менга умуман алоқадор жойи йўқ эди-ку? Нега бундай бўлди? Мен эса тизорқ тушлик қилиб бўлсам-да, шу янгиликни ўқиб олиш пайида ўтирдим. Ташхис қўйишни эса сизга қолдирмоқчиман.

Бир сафар автобусда икки мактаб ўқувчисининг суҳбатига беихтиёр гулбоқ бўлиб қолдим. Тўрт ёки бешинчи синфда ўқиса керак. Суҳбат мавзуси — океанурти мамлақати. Улар бу юртни шунчалар тасвирлаётти-ки, йиғитлар ўша ерда туғилган бўлса керак, деб ўйлайсан киши. Хулосалари бундай: АҚШда пул топиш осон, яшаш арзон, хоҳлаган ишингни қила оласан, яъни бемалолсан. Бу дунёқараш уларга қаердан сингиб қолгани-ку аниқ, бироқ уларнинг ешиқдан шундай хулоса билан улағишни фожианинг ўзи эмасми? Айнан янгиликлар орқали бойлик бор ерда ҳамма нарса — ватанпарварлик ҳам, одамийлик ҳам иккинчи даражали, деган тушунчалар сингдирилаётгандек тўё. Ватанпарварликни сўндириш кимга керак?

Бу каби тадқиқотларни яна давом эттириш мумкин, бироқ хулосалар оқидан қораси қўлпигини қайта-қайта исботлаверади.

Хўш, тугма эҳтиёжга ўхшайдиган хабархўрандалик бизга нима учун керак? Вақт ўтказиш учунми? Ёки улар ҳаётимизни ранг-баранглаштиради? Балки ахборот қабул қилишимиз ҳам ўз истеъмол меъёрлари бордир? Шу саволлар билан филология фанлари доктори, таниқли журналист Беруний Алимовга мурожаат қилдик.

— Ахборотнинг кўпайиб кетиши “ахборот бўлими”ни кўпайтирмақда, яъни инсонларни тобора янгиликка ўч қилиб қўймоқда, — дейди Б.Алимов. — Эрталаб туриб янгилик қидирамиз, йўл-йўлакай янгилик қидирамиз, ухлагунча янгилик қидирамиз — бутун кунимиз янгилик излаш билан ўтади-кетди. “Булими” сўзининг маъносини қисқача тушунтирсак, овқат еб, бироқ тўйиш ҳиссини туймайдиганлар айнан шундай ташхисланади. Кўпчилигимиз ахборот истеъмолда айнан шу касалликка чалинганимиз ҳақиқат.

Ҳаммамиз овқат учун пул тўлаймиз, бошқа хизматлардан фойдаланиш учун пул тўлаймиз, бироқ нега ахборот истеъмоли учун пул тўламаймиз? Нега ахборотни палла-партиш истеъмол қилишни ўзимизга раво кўрамиз? Ишонсиз маълумотлар, нотўғри таҳлиллар психологиямизга қанчалик салбий таъсир этишидан хабаримиз борми? Шу ўринда, мен обун масаласининг қанчалик аҳамиятга эга эканини тушунгандек бўлам. Айнан биз тўғри ахборот истеъмол қилиш учун ишончли манбаларга обун бўлмас эканмиз, дезинформациялар ҳамда мисинформациялар онгимизни заҳарлашда давом этаверади.

Юртдошларимиз орасида истеъмол маданияти қандай? Аслида, демократик жамиятларда у қандай бўлиши лозим? Бу борада ҳам Беруний Алимовнинг мулоҳазаларига қулоқ тутамиз:

— Демократик жамият қуриш йўлидан борар эканмиз, ахборот оқимини чеклаб олмайлик. Бироқ халқимизнинг ахборот истеъмоли маданияти ҳамон оқсоқ, Юртдошларимиз ҳануз билиб-билмаган, текширилмаган ҳамда манбаси аниқ бўлмаган янгиликларни қабул қилишда, уларни тарқатишда давом этмоқда. Бу охири-оқибат тушунмовчиликлар ҳамда руҳий тушунликлари келтириб чиқариши турган гап.

Албатта, ҳақ мулоҳазалар. Чиндан ҳам биз янгиликларнинг тўғри-нотўғри эканига



буларни оддий ўқувчи бўлиб очиклай омаймиз.

Шунчаки табиий содир бўлгандек кўринувчи ҳодисалар уюштирилиши ҳамда “тарқатувчилар” жараёни ёйишни зиммаларига олган бўлиши мумкин. Бунинг номи — тарғибот. Айнан шу усул орқали удумга айланган юзлаб иллатлар мавжуд, десак буни тарих тасдиқлайди.

Учинчи оқим — яқна ва хусусий манбалардан тарқалувчи янгиликлар. Энг “болаловчи” хабарлар ҳам айнан шулардан ёйилади. Кўп ҳолларда уларнинг мақсади — шов-шувулар орқали ўз аудиториясини ошириш ҳамда муттасил даромад манбаига эга

этиди, болаларга қандай таъсир этади, деган алоҳида-алоҳида таҳлилдан воз кечамиз. Чунки зарар барчага бирдек!

Хабархўрандаликнинг яна бир салбий оқибати шунки, вақтни бошқариш принципи буткул издан чиқиб кетади. Сиз бўш вақтингизнинг асосий қисмини шахсий ривожланишга эмас, янгилик ўқишга ажрата болайсиз. Бу “ажратиш” борган сари кўпаяди. Фақат воқеа-ҳодисаларга ўрганган тафаккур бадий ёки касбий китоблар мутолаасидан умуман завқ олмай қўяди. Ахир диққат-эътиборингиз аллақачон реал вақт билан қадам-бақадам ҳаракат қилишга мослашиб бўлди, сизга умуман алоқадор бўлмасам ҳам.

Хўш, хабархўрандалик зарар экан, ундан қандай ҳимояланиш керак? Бу борада бизда таклифлар бор.

Энг аввало, буни ўзингиздан бошланг. Сиз нималарни ўқисиз, улар ўзи сизга нима учун керак? Касбингизга, умуман, ҳаётингизга тааллуқли жойлари борми? Шу саволлар билан ўзингизни чуқур таҳлил қилинг. Шубҳасиз, натижада ўйлаб, ҳатто юзлаб манбалар сизга керакисиз бўлиб қиқши мумкин. Керакисиз нарсаларни эса сақлашдан не наф? Улардан воз кечинг.

Иккинчидан, хабар ўқишда ҳам худди овқатланишда парҳез қилганингиз каби йўл тутинг. Бунинг ўрнига бадий асарлар, таҳлилий мақолалар ўқишни одатга айлантиринг. Сиз бутун дунёда бўлаётган воқеаларни билишга мажбур эмасмиз, бироқ маънавий дунёнгизни юксалтиришга масъулсиз. Энди ўйлаб кўрайлик, қай бирининг фойдаси эътида?

Учинчидан, текширувчан бўлинг. Расмий, деб ёзилган хабарларнинг ҳаммаси ҳам расмий бўлмаслиги, аниқ, дейилган манбаларнинг илдизи умуман номаълум бўлиши ҳам мумкин. Бу борада энг мақбул ечим — таққослаб кўра билиш. Айнан таққослаб гуруҳни курамадан ажратади.

Тўртинчидан, фарзандларингизга ахборот истеъмоли маданиятини ўргатинг, янгиликларни қайси манбалардан оляпти, у манбалар нималарни тарғиб қилмоқда, мунтазам текшириб туринг. Зеро, чексиз интернет майдонда XXI асрнинг асосий қуроли бўлган ахборотдан ўзингизни фақат ўзингиз ҳимоя қила оласиз.

Ғанимат умримизни мазмунли ўтказиб, тафаккуримиз заҳарланишига қўйиб бермайлик, фарзандларимиз ахборот қули эмас, ижобий янгиликлар мавзуси бўлиб вояга етсин.



эмас, бизни қанчалик ҳайратта солишига эътибор бериб қолдик. Салбий янгиликлар оқими шундай шиддатлики, унинг нуқси табиатимизга ҳам ургандек. Буни бир томонлама ёндашув, дерсиз, бироқ тўғри истиқоматли ўрганмас эканмиз, танганинг иккинчи томони ҳам салбий ифодани акс эттираверади. Муаммо ана шунда.

Хабарлар, асосан, расмий саҳифалар, халқаро ахборот агентликлари ҳамда катта-кичик хусусий манбалар томонидан тарқатилади. Расмий манбаларда-ку аниқ мақсадлар ҳамда фаолият акс этиши равшан, бироқ халқаро ахборот агентликлари янгилик улашиш ортидан қандай мақсадлар қўзлаганини тушуниш мушкулроқ. Илгари улар фақатгина улкан аудитория учун ҳаракат қилган бўлса, айримлари бугун катта кучларнинг истак-иродаларини амалга оширишда камарбаста бўлмоқда. Афсуски, улар қандай кучлар ва аниқ мақсадлари нима, орада қандай келишувлар мавжуд —

бўлиш. Ачинарлиси, улар бу йўлда шахсий дахлсизлик, миллатпарварлик чегараларини топтаб ўтишгача бориши мумкин. Медиянинг энг жирканч усулларидан фойдаланган манбалар, табиийки, катта қизиқиш билан ўқилади. Ахир одамзод нафси табиатан “қонли томошалар”га, танқидга мойиллигини илм-ғилан исботлаб бўлган.

Янгиликларга қарам бўлиб қолиш оқибатларини ўрганиш учун психологларнинг бу борадаги фикрлари билан қизиқдик. Афсуски, хулосалар ижобий эмас. Биз атаганимиз хабархўрандалик, ёшидан қатъи назар, ҳар бир инсоннинг шижоатини бутунлай сўндиришгача, умидсизлик гирдобига чуқуришгача олиб бориши мумкин. Шу ўринда, бу жараён катталарга қандай таъсир

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



Навбатчи муҳаррир: Мухтасар Тожимаматова
Мусахҳиж: Маллоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев
Манзилими: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй
ЎзА якуни — 21:45 Топширилди — 00:15